

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

Бухоро давлат университети

Миллий ғоя, ҳуқуқ ва маънавият асослари таълим йўналиши

Ҳамдамов Сардорбек Сафар ўғли

Мавзу: “Оммавий маданият”нинг таракқиёт ва миллий маънавиятга
таҳдиди

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ

Бухоро – 2012

Мундарижа:

КИРИШ	3
I. Маданият: тушунча ва моҳият	9
1.1. Маданият – ижтимоий категория.....	10
1.2. Глобаллашув шароитида маданиятлар қоришуви.....	14
II. Оммавий маданият ва унинг ўзига хос жиҳатлари	19
2.1. Ғарб маданиятининг тарих ва бугуни ҳамда унинг инқирози сабаблари.....	29
2.2. Замонавий ўзбек жамияти ва миллий маънавиятга оммавий маданиятнинг таҳдиди.....	
ХУЛОСА	38
Фойдаланилган манба ва адабиётлар рўйхати	43

КИРИШ

Мавзунинг долзарблиги. Ўзбек халқи доим жаҳон сахнасида ўзининг салмоқли мавқеига эга бўлиб келган. Жаҳон тарихини холис варақлаган одам бунга амин бўлади. Айни шу сабабдан элимиз бағрикенглиги билан машҳур. Аждодларимиз қўшни халқлар маданиятига, турмуш тарзига эътибор билан қараган, ўзларидан мерос қолдирган ўлмас маънавий обидаларни турли тилларда яратишган. Дарҳақиқат, “ўз кучига ишонган халқнинг бағри кенг бўлади”¹, дейди Президент Ислам Каримов.

Ўз кучига ишонган ўзбек халқи асрлар давомида маънавият. Маданият, руҳият, ахлоқ, тарбия, дид, дунёқараш каби муайян даражада ўзаро алоқадор, аммо моҳиятан мустақил ҳодисаларни ўрганиб келган. Ҳозирги даврдаги маданиятнинг илмий тушунчаси инсоният томонидан яратилган ва яратилиши давом этаётган маънавият, руҳиятнинг ўзига хослигини англаши натижасида вужудга келди. Инсоният “табiiй” турмуш тарзи асосида яшаган даврда: яъни, териб истеъмол қилиш, ов қилиш, балиқ тутиш, чорвачилик ва деҳқончилик билан шуғулланган вақтларида маданият тўғрисидаги фикрнинг туғилиши мунозаралидир. Оддий, бир маромда ривожланувчи жамиятда инсон ўз маданияти билан “қўшилиб” яшаган. Урф одатлар, эътиқодлар, ҳаётнинг моддий ва ижтимоий шакллари ундан фарқ қилмаган. Маданиятнинг автономияси намоён бўлиши учун муайян даражада техниканинг ривожланиши ва меҳнатнинг ижтимоийлашувига эришиш талаб этилади. Шу асосда маданият аста-секинлик билан инсониятдан тобора кўпроқ мустақил бўлиб боради. Инсоннинг эса маданиятга тобеълиги ортади. Ҳозирги постиндустриал жамиятлардаги экологик, маънавий ва ахлоқий соҳалардаги мавжуд муаммолар фикримизнинг далилидир. Шунинг учун Оммавий маданиятни идрок этиш, унинг ривожланиш қонунларини тушуниш ва шу тушунчалар асосида ушбу ҳодисани бошқа маданиятларга ижобий ва салбий таъсирларини ўрганиш зарурият бўлиб қолди.

¹ Каримов И. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафқура. 1-жилд. -Тошкент. Ўзбекистон, 1996. – Б. 107.

Чунки, инсоният жамияти доимий ривожда бўлиб, у ўзгариб такомиллашиб боради. Турли тарихий даврларда ва хилма-хил маданиятларда одамлар дунёни ўзгача англайдилар ва қабул қиладилар, ўзларига хос равишда тасаввурлари ва билимларини ҳосил қиладилар. Барча ижтимоий ва инсонга оид илмлар иложсиз инсон ва миллат маънавиятининг у ёки бу қирралари, жиҳатлари билан бевосита иш олиб боради, уларни муайян нуқтаи назардан текширади. Фалсафа дунё моҳиятини, унда инсоннинг ўрнини, вазифасини мантиқий тафаккур асосида аниқлашга ҳаракат қилади. Маълумки, анъанавий ва индустриал жамиятларда информацион фаолият мустақил соҳани ташкил этган бўлса, “компьютер инқилоби” шароитида информациялар, билимлар ишлаб чиқарилиши, янги технологиялар яратиш алоҳида турдаги фаолият сифатида шаклланди, информация қимматбаҳо товарга айланди. Информацион фаолиятдаги билимлар синтези тизимидаги мураккаб ўзгаришлар муҳим қарор топган ғоялар ва кадриятларга таъсир этмоқда. Маънавий маданият информациялари захиралари тўпланиши оқибатида цивилизация тараққиётида ташкилотчи ва ҳаракатга келтирувчи факторга айланди. Бунинг оқибатида фаолият ва маданиятнинг ўзаро муносабатларида ўзгаришлар бошланди. Натижада гиёҳвандлик, ахлоқсизлик, ташқаридан кириб келаётган тубан “оммавий маданият” нинг турли хил иллатлари, хавфи ва зарарли таъсири жамиятимизга кириб кела бошлади. Аслида қадимдан халқимиз орасида фарзандларни ҳар томонлама камолотга эришишидаги асосий восита бўлган одоб беришда ота-оналар томонидан уларни инсоний кадриятларга мувофиқ ҳаёт кечиришга чақириш, уларга ибратли ривоятларни ҳикоя қилиш, бу борада тарбиячиларнинг ўзлари ҳам шахсий ўрнак кўрсатиш усуллари урф бўлган.

Аммо, бугунги дунёда кечаётган мураккаб жараёнлар ёшлар тарбиясига янада катта эътибор қаратишни талаб этмоқда. Бу борада Президентимиз Ислом Каримов таъкидлаганидек, “оммавий маданият” деган ниқоб остида ахлоқий бузуқлик ва зўравонлик, индивидуализм, эгоцентризм ғояларини

тарқатиш, керак бўлса, шунинг ҳисобидан бойлик орттириш, бошқа халқларнинг неча минг йиллик анъана ва кадриятлари, турмуш тарзининг маънавий негизларига беписандлик, уларни кўпоришга қаратилган хатарли таҳдидлар одамни ташвишга солмай қўймайди”².

Бизнингча, ўзбек халқининг анъанавий турмуш тарзидаги урф-одат ва маросимларни тарихий-этнологик йўналишда тадқиқ этиш асосан қуйидаги омилларга кўра долзарб ҳисобланади:

Биринчидан, бугун айрим Ғарб давлатларида эркак билан эркак, аёл билан аёл ўртасидаги никоҳ ҳайратланарли ҳодиса бўлмай қолаётганлиги, Ғарб турмуш тарзининг бундай салбий жиҳатлари баъзи оммавий ахборот воситалари орқали тарғиб қилинаётганлиги етарлича ўрганлмаётганлиги;

Иккинчидан, таниқли сиёсатшунос ва файласуфлар фикрига кўра, ҳозирда Ғарб давлатлари, айниқса, Америка Қўшма Штатларининг телевизион дастурлари ва фильмлари жаҳон медиа бозорининг тўртдан уч қисмини эгаллаган. Унинг оммабоп мусиқаси, бемаъно ҳамда ғайриинсоний ҳаракатлардан иборат кўшиқлари, америкаликларнинг қизиқишлари, овқатланиш одатлари ва ҳатто, кийинишлари бутун дунёда тақлид объекти сифатида кўрилаётганлиги, бундай жараёнлар таъсиридан ўзбек халқининг маданияти, мафқураси, қадимий фалсафий қарашларига доир миллий хусусиятлари зарарланаётганлиги;

Учинчидан, ҳозирги вақтда, оммавий маданиятининг айрим вакиллари томонидан ахлоқсизликни маданият, деб билиш ва аксинча, асл маънавий кадриятларни менсимасдан эскилик сарқити, деб қараш билан боғлиқ ҳолатлар бугунги тараққиётга, инсон ҳаёти, оила муқаддаслиги ва ёшлар тарбиясига катта хавф солаётганлиги бу мавзунинг ўрганишнинг долзарблигини билдиради.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Мавзуга оид таҳлиллар шунини кўрсатадики, мазкур мавзу ҳозирги пайтга қадар маҳсус тадқиқот объекти бўлмаган. бироқ унинг айрим жиҳатлари мафқуравий, фалсафий, масалалар

² Каримов И. Юксак маънавият – енгилмас куч. - Тошкент. Маънавият, 2008. Б -117.

билан биргаликда қисман кўриб чиқилган. Ҳозирга қадар бу борада мавжуд адабиётларни шартли равишда уч гуруҳга бўлиш мумкин: оила-никоҳ муносабатлари, ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлаш масалаларга бағишланган ишлар³ ўзбек оилаларидаги миллий ўзига хослик, ундаги низолар ва уларни келтириб чиқарувчи муҳим сабаблар, ажралишлар ва уларнинг асоратлари ҳар томонлама ўрганилиб таҳлил этилган ишлар⁴ ва хорижий муаллифларнинг асарлари⁵.

Биринчи гуруҳга оид ишларга хос асосий ҳусусиятлар шундан иборатки, уларнинг муаллифлари жамиятнинг энг муҳим ҳужайраси ҳисобланган оила, оила иттифоқи никоҳ воситасида юзага келиши, кўп асрлар мобайнида халқимиз орасида риоя қилиниб келинаётган мусулмончилик никоҳи асли умуминсоний қадриятлар асосида оилани мустаҳкамлашга қаратилгани, бунинг натижасида оилада барқарорлик ва соғлом турмуш тарзи ҳукм суриши, ўз навбатида, бу эса жамият ва давлат тараққиётининг асоси эканлигига асосий эътиборларини қаратганлар.

Иккинчи гуруҳга оид ишлар муаллифларининг тадқиқоқларини ўрганиш шуни кўрсатадики, ижтимоий муносабатлари билан боғлиқ урф-одатлар, никоҳ турли шаклларининг ижтимоий, инсонпарварлик моҳиятини фалсафий жиҳатдан тўғри баҳолаш ҳам ниҳоятда муҳимдир. Зеро, бундай тарзда илмий асослаш у ёки бу халқ никоҳ-оила муносабатларигагина эмас, умуман бутун миллат менталитети ҳусусиятларига тўғри баҳо бериш учун зарурдир. Жумладан, жамиятимизда мавжуд бўлган айрим таъқиқлар асосий ҳусусиятга эга эканини уқтириш лозим. Умуман, бизнинг жамиятимизда унинг аъзолари ўртасида ўрнатилган ўзига хос жиҳатлар республикамиз барқарорлигини таъминлашда муҳим бўлиб келган.

³ Қаранг: Юнусов А. Фарзанд тарбияси, ахлоқ ва оила муносабатлари. -Тошкент. Янги авлод, 2002.- 60 б.; Қозокбоев Т. Ўзбек оиласининг турмуш маданияти. – Тошкент. Фан, 1968. – 268 б.; Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф. Ҳадис ва Ҳаёт: никоҳ, талоқ ва идда. – Тошкент. Шарқ, 2008. – 430 б.

⁴ Қаранг: Жаббаров И. Ўзбеклар: турмуш тарзи ва маданият. – Тошкент. Янги авлод, 2003. – 420 б.; Примова Ф. Оилавий муносабатларда миллий ва диний қадриятларнинг тутган ўрни. – Тошкент. Ўқитувчи, 1999. – 256 б.; Саифназарова Ф. Ўзбек оиласи: ижтимоий ва маънавий қадриятлар. – Тошкент. Янги авлод, 2007. – 260 б.; Шоумаров Ғ.Б. Оила психологияси. –Тошкент. Шарқ, 2000. – 321 б.

⁵ Қаранг: Энтони Гидденс. Социология. – Тошкент. Шарқ, 2002. – 847 б.; Тимоти Уинтер. XXI асрда Ислоом. – Тошкент. Шарқ, 2005. – 365 б.; Баҳодир Зокир. Ғарб инқирози // Тафаккур журнали. – Тошкент. – 2007. - № 2. – Б.22-23.; Фаҳриддин Низом. Манфаат ва холислик // Тафаккур журнали. – Тошкент. 2009. - № 3. – Б.24-25.

Бундан ташқари, бу гуруҳ муаллифлари ишларида жамият ҳаётининг равнақи, даражаси, сифати кўп ҳолларда оиланинг қай даражада ҳаётга қобиллигида намоён бўлиши билан бир қаторда жамиятдаги норизолик оилага ёхуд оиладаги иллатлар, ажралишлар жамиятга бевосита таъсир ўтказиши тўғрисидаги хулосаларни кўришимиз мумкин.

Учинчи гуруҳ муаллифлари ишларида асосий эътибор XXI аср бўсағасида ва бу аср давомида инсониятнинг сиёсий, иқтисодий ва маънавий элитадаги ҳаёт тарзи қандай кечиши мумкинлиги тўғрисидаги масалаларга қаратилганини кўриш мумкин. Уларнинг фикрига кўра, XXI асрда турли-туман маданиятлар ва қарашлар рақобатга киришади. Бунга эришиш учун эса ҳар бир мустақил давлат ўзлигини сақлаган ҳолда диний, этник қадриятлари ва тамаддунда тутган ўрнини бошқаларга англантишни асос қилиб олган миллий мафкурага эга бўлмоғи лозим. Акс ҳолда, миллийликни йўқотиш, фазилатлар, бебаҳо қадриятлардан воз кечиш одамни такомиллашув тараққиётидан ажратиб қўйиб, уни тобеъ, мустақил фикри йўқ манқуртга айлантириб қўяди. Ҳозирги кунда хайрли мақсадларда зимдан олиб борилаётган ўзаро курашлар бирор миллатнинг ўзлигини йўқотишга қаратилаётганлигини сезиш мумкин. Унда дастлабки эътибор ҳудудларни ўзлаштиришга эмас, инсон онгини эгаллашга йўналтирилган. Бегоналашув, манқуртлик, оммавий маданият асирлари ана шундай ҳаракатлар нишонидир⁶.

Шундай қилиб, битирув малакавий ишини тайёрлаш асносида танишиб чиқилан асарлар ва мақолаларда икки жиҳат ёритилганини умумлаштирган ҳолда айтишимиз мумкин.

Биринчидан, ўзбек жамиятининг ўзига хос хусусиятлари ва унда муҳим ўрин тутадиган асосий жиҳатлар керагича ёритилиб берилган.

Иккинчидан, бугун дунёда кечаётган маънавий-маърифий, мафкуравий, сиёсий жараёнлар ва уларга жаҳон ҳамжамияти, инсоният турли хил муносабат билдираётганлиги маълум бир даражада ўрганиб чиқилган.

⁶ Махсумов С. Оқуль дасурулар // Маърифат. – Тошкент. – 2008. - № 58. – Б. 12.

Битирув малакавий ишининг мақсад ва вазифалари. Мазкур ишнинг мақсади мустақил Ўзбекистоннинг ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва маънавий жиҳатлардан юксала бориши жамият мустахкамлигининг асоси эканлигини, унга миллий ва диний қадриятлар ҳамда бошқа маданият вакилларининг турмуш тарзи таъсир даражасини илмий таҳлил этишдан иборат. Ушбу мақсадга эришиш учун ишда қуйидаги вазифалар қўйилган:

- “Оммавий маданият ” тушунчаси ва моҳиятини ўрганиш;
- ижтимоий категория сифатида “Оммавий маданият” атамасининг асарларда қўлланилиши билан танишиш;
- глобаллашув шароитида маданиятлар қоришувининг тадқиқ этиш;
- ғарб маданиятининг тарихи ва бугуни ҳамда унинг инқирози сабабларини таҳлил этиш;
- замонавий ўзбек жамиятига оммавий маданиятнинг таъсирини ўрганиш.

Битирув малакавий иш натижаларининг аҳамияти. Битирув малакавий иши натижалари яъни оммавий маданиятнинг жамият ҳаётига таъсири масаласини тўлақонли равишда очиб беришни даво қилмасда, бу борадаги кичик бир тажриба, кейинги жиддий ҳаракатлар учун дастлабки кадам вазифасини ўтайди. Ундан коллеж, лицейларда мазкур мавзу бўйича тарғибот ишларида фойдаланиш мумкин.

Битирув малакавий ишининг таркиби. Бакалаврлик даражасини олиш учун тақдим этилган ушбу битирув малакавий иши кириш, иккита боб, тўрт бўлим, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат.

I. МАДАНИЯТ: ТУШУНЧА ВА МОҲИЯТ

1.1. Маданият – ижтимоий категория.

Бугун биз тарихий бир даврда – халқимиз ўз олдига эзгу ва улуғ мақсадлар қўйиб, тинч-осойишта ҳаёт кечираётган, авваламбор ўз куч ва имкониятига таяниб, демократик давлат ва фуқаролик жамияти куриш йўлида улкан натижаларни қўлга киритаётган бир замонда яшамокдамиз. Бу ютуқларнинг бардавомлиги давлатимизнинг нафақат сиёсий ва иқтисодий соҳада салоҳиятлилигига, балки халқимизнинг маданияти ва турмуш тарзи нақадар юксак даражада эканлигига боғлиқ. Чунки бир миллатнинг ўзининг анъанавий, турли замон ва макон руҳиятига мос келадиган маданияти ва турмуш тарзига эга бўлиши унинг қанчалик қудратли эканлигини кўрсатади. Шунинг учун биз келгуси сатрларда маданият нима, Ер юзидаги турли миллат ва элатлар қандай ҳаёт кечириш тарзига эгалар каби саволларни ўрганиб чиқамиз.

Маданият инсон ҳаёти ва бирлигига боғлиқ бўлган тушунчадир. Кўп ҳолларда “Оммавий маданият” “маданият” тушунчасининг муқобили сифатида қўлланилади. Шу ўринда, “Оммавий маданият” тушунчаси тўғрисида тўхталишдан илгари “маданият” атамаси ҳақида фикр билдирсак. Энтони Гидденс бу ҳақида қуйидагиларни айтади: “Маданият тушунчаси жамият тушунчаси сингари энг кўп қўлланиладиган тушунчалардан биридир. Маданият ўз ичига муайян гуруҳларга тааллуқли бўлган қадриятларни, улар риоя этадиган меъёрларни, улар яратадиган моддий ноз-неъматларни қамраб олади. Қадриятлар мавҳум идеаллар бўлса, меъёрлар одамлар риоя этадиган муайян қоида ва тамойиллардир. Меъёрлар жамиятдаги “мумкин” ва “мумкин эмаслар” дир”⁷.

Кундалик ҳаётда “маданият” атамасини қўллар эканмиз, онгнинг олий маҳсуллари бўлган санъат, адабиёт, мусиқа, рассомлик кабиларни назарда тутамиз. Маданият тушунчаси ижодий фаолиятнинг шу турларинигина эмас, яна бошқа кўп ҳодисаларнинг қамраб олади. У ўз ичига кийиниш

⁷ Энтони Гидденс. Социология. – Тошкент. Шарқ, 2002. – Б. 52.

хусусиятлари, оилавий ҳаёт ва никоҳ маросимлари, меҳнат фаолияти ва диний русумлар, бўш вақтни қандай ўтказиш кабиларни ҳам қамраб олади. Унга яна одамлар томонидан яратилган ва муайян қадрият ҳисобланадиган нарсалар: ўқ - ёй, оочлар, фабрика ва машиналар, компьютерлар, китоблар, уй-жойлар ҳам киради. “Маданият” тушунчаси жамиятдаги одамларнинг турмуш тарзи, урф-одат ва расм-русумлар, шунингдек, улар ишлаб чиқарадиган ноз-неъматларга алоқадор тушунчадир”⁸.

Инсоний маданиятлар ажойиб ранг-барангликка эга. Қадриятлар ва хулқ меъёрлари турли-туман бўлиб, кўпинча улар ғарбда “меъёрий” ҳисобланган ҳолатдан жиддий фарқ қилади. Масалан, чақалоқ ёки ёш болаларни қасддан ўлдириш кўплаб маданиятларда энг оғир жиноятлардан ҳисобланади. Бироқ, анъанавий Хитой маданиятига кўра, камбағал оилаларда янги туғилган қиз болаларни дарҳол бўғиб ўлдиришарди, чунки улар оилага ёрдамчи эмас, ортиқча юк бўларди.

Шунга ўхшаш, маданиятларнинг турли хиллиги борасидаги фикрни давом эттирадиган бўлсак, яна қуйидагиларни айтиш мумкин. Мусулмонлар мол гўштини ейдилар, аммо мушукча ва кучук ҳамда бир неча ҳайвон гўштарини истеъмол қилмайдилар. Бироқ, бошқа қатор миллатларда булар тансиқ таом ҳисобланади. Яҳудийлар чўчка гўшти еймайдилар, ҳиндулар чўчка гўшти ейдилар, бироқ мол гўшти емайдилар. Ғарб одамлари ўпишишни жинсий хулқнинг табиий кўриниши, деб ҳисоблашади. Лекин баъзи маданиятларда бу ҳолат номаълум ёки нафратланарли ҳол, деб ҳисобланади.

“Инсонларнинг ранг-баранг маданий урф-одатлари орасида умумий белгилар ҳам бор. Улардан барча жамиятлар учун хос бўлганлари маданий универсалиялар деб аталади. Мураккаб граматикалик тилга эга бўлмаган маданиятлар маълум эмас. Барча маданиятларда оилавий тизимнинг муайян шакллари мавжуд бўлиб, уларнинг қадриятлари болаларга ғамхўрлик билан боғлиқ. Никоҳ, диний ритуаллар ва мулк ҳуқуқи универсалиялар

⁸ Энтони Гидденс. Социология. – Тошкент. Шарқ, 2002. – Б. 52.

хисобланади. Барча маданиятларда яқин қариндошлар: ота билан қизи, она билан ўғли, ака билан сингил ўртасидаги жинсий муносабатлар – у ёки бу шаклдаги инцестлар ман этилади”⁹.

1940-1950 йилларда Г.М.Макмоэн асарларида оммавий коммуникация биринчи марта маданиятнинг янги типи, кишиларнинг ижтимоий муносабатидаги мутлақо янги тип сифатида таърифланди. Унинг фикрича бу восита инсонларнинг ахборот олишдаги рақобат курашда қудратли кучга айланади. ОАВ электрон техника ва йўлдош алоқалардан фойдаланиб, кишиларнинг ижтимоий ҳодисалар ва маданий бойликларни бир вақтда идрок қилишга ундайди. Г.Э.Макмоэн таъкидлаганидек бугунги кунда “хаммабоп ва омма ёқтирадиган янги дунёвий электрон маданияти” шаклланмоқда.

Оммавий маданиятнинг қиёфаси қуйидагича:

1. У миллат, ёш, жой, ижтимоий хусусиятларга боғлиқ бўлмаган истеъмолчиларга эга бўлади.
2. Бу маданиятдаги наъмуналарни яратган жараёнларнинг ўзи оммавий хусусият касб этиб, индустриянинг махсус йўналишини ўзида намоён қилади.
3. Оммавий маданият кишилар ҳаётини бефарқ кузатувчи тамошабинга айлантиради. Ўзлари ҳам мавжуд ҳаётни гўё сароб каби тасаввур қилади.¹⁰

Матбуот ва телевидения соҳасида “ Оммавий маданият” атамаси оммага ҳавола қилинаётган дастурлар туркумини ифодалаш учун ишлатилади¹¹.

Оммавий маданият – ижтимоий гуруҳлар, элат, халқ, миллатларнинг кундалик ҳаётини ифодаловчи тушунчадир. Оммавий маданият, туб моҳиятига кўра миллий маданиятнинг кушандаси, у маданий хилма-хилликни хушламайди, бу оламни бир ранг кўриш унинг асл мақсади. Бу хавфга президентимиз И.А.Каримов қуйидагича баҳо берадилар. ”Табиийки “Оммавий маданият” деганда ниқоб остида ахлоқий бузғунчилик ва

⁹ Энтони Гидденс. Социология. – Тошкент. Шарқ, 2002. – Б. 58-60.

¹⁰ Д.Ю.Столяров, В.В.Кортунов. Культурология Государственная академия управления имени Серго Орджоникидзе, М.:1998. с 72-73

¹¹ <http://www.wikipedia.org>

зўравончилик, индивидуализм, эгоцентризм ғояларини тарқатиш керак бўлса шунинг ҳисобидан бойлик орттириш, бошқа халқларнинг неча минг йиллик анъана ва қадриятлари, турмуш тарзининг маънавий негизига беписандлик, уларни кўпоришга қаратилган хатарли таҳдидлар одамни ташвишга солмай кўймайди.”¹². Оммавий маданият кўплаб жамиятларни сунний, сохта идеаллардан чалғитибгина қолмасдан, одам боласи учун муқаддас бўлган табиий жуфтликни инкор этади, ғайри инсоний ахлоқ ва муносабатларни қонунийлаштиради ва буни эркинликнинг олий наъмунаси деб кўз-кўз қилади. Анашу жараёнларни таҳлил этган Ғарб олимлари Элвин Тофлернинг “Учиничи тўлқин” Патрик Бькененнинг “Ғарбнинг ахлоқи” каби асарлари дунё миқёсида шов-шувга сабаб бўлаётгани бежиз эмас. Бу таҳдидларни эртага қандай оғир оқибатлар келтириб чиқариши мумкин эканлигини кўпчилик ҳаёлига ҳам келтирмаяпти. Таъбир жоиз бўлса, улар ғафлат уйқусида. Ҳолбуки, яқин йироқ юртларда оммавий маданиятнинг аччиқ, тарих мевалари оила институтларини дарз кетиши, ахлоқсизлик ва беҳаёликнинг авж олиши, ота-она ва фарзандлар ўртасидаги меҳр оқибатнинг йўқолиб бораётганлиги, бир жинсли никоҳлар буларнинг барчаси реал ҳаётда бизнинг кўз ўнгимизда содир бўлмоқда. Масалан, моногамия – бир пайтнинг ўзида фақат бир аёл билангина никоҳда бўлиш ғарб жамиятида ҳамма эътироф этадиган қадриятдир. Бошқа маданиятларнинг кўпчилигида эса одамларга бир пайтнинг ўзида бир неча хотинлик ёки бир неча эрлик бўлишга ижозат берилади.

Бунга Ҳенри Макоу мулоҳозалари яққол мисол: Америкалик гўзал малика ўзини миллионлаб телетомошабинлар олдида кўз-кўз қилмоқда. У феминист, шунинг учун ўзига ўзи ҳокимлик қилади. Лекин, аслида, кулгилиси, у оммавий бир буюм кабидир. У ўз баданини энг катта пул тўлаган одамга сотади. У тинмасдан ўзини бозорга солади. Америкада аёлнинг маданий ўлчови унинг ташқи кўринишига айланиб улгурди. Аёлнинг бу сифати тез

¹²И.А.Каримов.”Юксак маънавият- енгилмас куч”.Тошкент.”Ўзбекистон” 2008.С.117.

фурсатда йўқолиб борар экан, у бечоранинг жинни бўлгудай ўз афти ва вазни ҳақида қайғуриш билан овора бўлиб қолиши ҳам шунинг исботидир.

1.2. Глобаллашув шароитида маданиятлар қоришуви.

Инсон ўз ҳаётининг эҳтиёжларининг қондириши учун Ер сайёрасини нозу неъматга тўлдирилиши кишиларни кенг замин узра ҳаракатга ундаб келган. Улар бу ҳаракатлари асносида турли миллат, элат, дин вакиллари билан кўришишган, дўстлашишган, гоҳида баъзи сабаблар талабига бўйсуниб ўзаро уришишган. Шу асосда бир маданият вакиллари бошқа маданият вакиллари ҳаётига таъсири кўрина бошлаган. Ислом динининг бош мақсади бўлмиш Қуръони Каримда келишича, инсонларнинг турли халқ ва қабилаларга бўлинишининг сабаби ўзаро танишиш, инсоният ютуқларидан одамзотнинг барча вакиллари баҳраманд бўлишини таъминлаш ҳамда кишилик жамияти таназзулига олиб борадиган иллатларни бир-бирларига билдириб, уларни бартараф этиш, яъни, бу ҳаётнинг асл мазмуни ҳақида маърифат ҳосил қилишдир: “Эй одамлар! Биз сизларни бир эркак ва аёлдан яратдик ва ўзаро танишинингиз учун халқлар ва қабилалар қилиб қўйдик...”(Ҳужурот:13)¹³.

Шунинг учун ҳам доим турли миллатларни бошқа маданият вакиллари билан танишуви ҳар хил суръатда юз бериб турган. Мисол учун, бир аср муқаддам Тинч океани қисмидаги баъзи оролларнинг аҳолиси самолётларнинг катта ва мураккаб моделларини ясай бошлади. Ороликларнинг бирортаси ҳам аввал аэропланни яқиндан кўрмаган бўлса ҳам моделларни ясашга кўплаб меҳнат сарф қиларди. Моделлар учиниш учун мўлжалланганди, улар ўзларини “маҳаллий пайғамбарлар” томонидан тўқиб чиқарилган диннинг марказида, деб ҳисоблардилар. Агар муайян маросимлар бажарилса, - деб эълон қилишди диний руҳонийлар, осмондан юк тушади. Юк деганда, ғарбликлар ўзлари учун оролга олиб келган

¹³ Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф. Тафсири Ҳилол. 5-жузъ.-Тошкент:Шарқ, 2008.- Б. 620.

товарлар кўзда тутилган эди. Оролликлар маросимлар оғишмай бажарилса янги эра бошланиши ва улар ўз турмуш тарзларини ўзгартирмаган ҳолда оқ танли босқинчиларнинг моддий неъматларидан истаганча баҳраманд бўлишларига ишонган эдилар. Оқ танлиларнинг бойлик ва қудрати аниқ кўзга ташланиб турарди ва оролликлар, келгиндилар баҳраманд бўлаётган неъматларнинг манбаи учиб юрган номаълум объектларда, деб билишди. Оролликлар нуктаи назаридан, самолётлар устидан ҳокимиятни алоҳида расм-русумларни бажариш орқали қўлга киритиш мумкин эди. Айни пайтда улар ўз урф-одатларини сақлаш ва келгиндилар аралашувидан ҳимоялашга ҳаракат қилдилар.

XVI-XVII асрларда ғарблик савдогарлар ва саргузашт ишқибозлари ер шарининг узоқ бурчакларига сафарга чиқишар экан, у ерларда учраган барча одамларни “варвар” лар ёки “ёввойи”лар, деб атаган эдилар.

Бошқа маданиятларнинг илк алоқалари тўғрисида яна шуларни айтиш мумкинки, XVI асрда Америкага саёҳат қилган европаликлар у ерда баҳайбат одамлар, амазонкалар, пигмейларни учратиш, оби ҳаёт манбаини топиш, бадани бир неча юз йил яшайдиган эркакларни кўришни умид қилган эдилар. Бундай умидга эса Европадаги анъанавий афсоналар сабаб бўлган эди.

Шарқ ва Ғарб ўртасидаги жар шунчалик катта эдики, улардан ҳар бири бошқаси тўғрисида энг фантастик тасаввурларга эга эди. Масалан, Хитойда XIX аср бошларида ҳам агар чет элликлар, айниқса, инглизларга равоч бериб турилмаса, улар ич қотишдан ўладилар, деган тушунча кенг тарқалган эди. Ғарб олимларининг бошқа маданиятлар билан энг драматик учрашуви 1818 йилда юз берди. Қутб доирасидан четда, Баффин ери ва Греландия оралиғида Русияга йўл ахтараётган Англия ҳарбий-денгиз экспедицияси эскимосларга дуч келиб қолди. Эскимослар шу пайтгача ўзларини оламдаги ягона инсонлар, деб ҳисоблашарди¹⁴.

¹⁴ Энтони Гидденс. Социология. – Тошкент. Шарқ, 2002. - Б.51.

Бу бобнинг асосий мавзусини ташкил қилувчи маданиятлар қоришуви тарихи шу тақлид бошланган эди. Умуман олганда, инсониятнинг бутун тарихи давомида ижтимоий ўзгаришларнинг кечиши нисбатан секин юз берган – кўпчилик одамлар ота-оналари қандай турмуш кечирган бўлсалар, шундай яшаганлар. Биз эса бунинг аксича, муттасил радикал ўзгаришларга дуч келаётган дунёда яшамоқдамиз. Мисол учун, агар биз яқин орадаги магазин ёки супермаркетга кириб қолсак, бу ерда бизга таклиф этилаётган жуда кўп миқдордаги маҳсулотларни турли хил мамлакатларда ишлаб чиқарилганини кўрамиз. Бу товарлар эса одамларнинг талабларига мувофиқ, ўзгартирилиб туришга эҳтиёж сезмоқда. Бунинг учун жамиятдаги ахборот-информациялар оқимини доимо алмашиб туриш талаб этилади. Шу сабабли ҳам айни пайтда ҳар бир кишининг турмушига тааллуқли бўлган бир-бирига боғлиқ ўзаро муносабатларнинг кучайиб кетиши натижасида бугунги дунё чиндан ҳам ягона бир ижтимоий система бўлиб қолмоқда. Аниқроқ қилиб айтганда, бугунги дунё глобаллашув жараёнларини бошдан кечирмоқда.

Бугун жаҳон оммавий ахборот воситаларида глобаллашув¹⁵ атамаси тез-тез тилга олинмоқда. Хўш, глобаллашув ўзи нима? Нима учун у ҳақида гапирилганда, ташвиш-у ҳадик, айни пайтда олқиш-у мақтовлар бўлмоқда? Бу жараён инсон тарққиётининг янги босқичими ёки одамзот таназзулини бошланишими? Бу саволлар устида жаҳон афкор оммаси, зиёлилар кўпдан бош қотириб келишмоқда. Глобаллашувни инсон камолотининг янги даври дея ардоқлаб, ёқлаётганлар бор. Шу билан бирга, уни инсон руҳий-маънавий оламига путур етказётганлиги ҳақида гапираётганлар ҳам талайгина.

Ҳар икки гуруҳ фикрида ҳам жон бор. Глобаллашувни тўла ёқлаб ёки бутунлай инкор этиб бўлмайди. Яъни, у салбий ва ижобий хусусиятларга

¹⁵ Илмда жаҳон ҳамжамияти интеграциялашувини ўзида ифодаловчи глобализм ва глобализация атамалари мавжуд. Бу икки сўз маънолари бир-бирига яқин бўлса-да, лекин улар икки хил феноменни билдирувчи алоҳида атамалардир. Глобализм халқаро ҳамжамият дўстлигини, бир-бирига боғлиқлигини ҳамда бутун жаҳон тинчлиги йўлида ягона эзгу-мақсадлар атрофига бирлашишни ифодаласа, глобализация деганда, асосан, моддий фойда кўриш мақсадида йирик трансмиллий корпорацияларнинг бутун дунёни иқтисодий эгаллаши, ягона тизим ва қонунлар асосида ягона бозорни яратиш ва бу билан маънавий-ижтимоий ҳаётга таъсир кўрсатиши тушунилади.

эга. Бу ҳақида гапиришдан аввал глобаллашув ўзи нима, унинг хусусиятлари тўғрисида тўхталсак.

Глобаллашув XX асрда иқтисоднинг жадал ривожланиши натижасида юзага келди. Ишлаб чиқаришнинг ўсиши, маҳсулотларни экспорт қилиш, хом-ашё ва тайёр маҳсулотлар учун янги бозор ва ҳудудлар топиш ҳамда харажатни камайтириб, фойдани ошириш каби омиллар халқаро миқёсда умумий ва ягона қонунлар яратишни талаб этди. Натижада маълум бир давлатлар бир ташкилот таркибига бирлашди, маълум бир ҳудудлар учун бир хил амал қиладиган иқтисодий ва ҳатто, сиёсий қонунлар ҳам ишлаб чиқарила бошланди. Илмда жаҳон ҳамжамияти интеграциялашувини ўзида ифодаловчи глобализм ва глобализация атамалари мавжуд. Бу икки сўз маънолари бир-бирига яқин бўлса-да, лекин улар икки хил феноменни билдирувчи алоҳида атамалардир. Глобализм халқаро ҳамжамият дўстлигини, бир-бирига боғлиқлигини ҳамда бутун жаҳон тинчлиги йўлида ягона эзгу-мақсадлар атрофига бирлашишни ифодаласа, глобализация деганда, асосан, моддий фойда кўриш мақсадида йирик трансмиллий корпорацияларнинг бутун дунёни иқтисодий эгаллаши, ягона тизим ва қонунлар асосида ягона бозорни яратиш ва бу билан маънавий-ижтимоий ҳаётга таъсир кўрсатиши тушунилади.

Глобаллашувнинг ижобий жиҳатлари кўп. У мамлакатда янги ишчи ўринларини яратиши, бақувват молиявий-иқтисодий тизимни вужудга келтириши, мамлакатни сиёсий ва иқтисодий бўҳронлардан асраши туфайли давлатга ҳамда халққа фаровонлик келтиради. Бу тизимда халқаро иқтисодий муносабатлар бир-бири билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, бозорнинг, мизож давлатларнинг иқтисодий ривожланишидан глобал кучлар ҳам манфаатдордир. Глобаллашган дунёда ривожланаётган давлатларга катта сармоя кириб келади. Янги технология, йирик саноат ускуналари, заводлар келтирилиб, ишчи кучи арзон бўлгани боис ривожланаётган давлатлар ҳудудига ўрнатилади. Булардан, албатта, давлат иқтисодий фойда кўради.

Аммо дунёнинг бир нуқтасида бош кўтарган иқтисодий бўҳрон бир лаҳзада бутун жаҳонни қамраб олиб, зўрға бош кўтараётган миллий иқтисодларни ҳам ер билан яқсон қилиши ҳеч гап эмас. Глобаллашувнинг яна бир жиҳати борки, у ишимизнинг асосий мавзусидир. Бу глобал дунёда инсонларнинг маданияти, турмуш тарзи масаласидир. Бугун илмнинг илгари эгаллаш амримаҳол бўлган чўққилари забт этилмоқда. Бу бор гап: тараққиёт ҳозир инсон ҳаётига кўп фаровонлик, енгиллик келтирди. Глобаллашув сабаб кенг жаҳон бир қишлоққа айланди гўё. Лекин тараққиёт, илм-фанда биз қанчалик прогрессни кузатсак, шу баробарида айрим ривожланган ҳамда уларнинг кучли таъсирига тушиб қолган мамлакатларда маънавий қадриятлар ўз аҳамиятини йўқотиб борапти. Чунки глобаллашув келтирган моддий фаровонлик асосан, фақат танага роҳат беришга ҳизмат қилмоқда. Бугун тараққиёт сабабидан бизга келган енгилликлар ҳақида бир ўйлаб кўрайлик: компьютер технологиялари, масса-медиа, сунъий йўлдош бераётган имкониятлар, интернет¹⁶ ва ҳоказо. Улар ёрдамида илгари кўп заҳмат ва вақт билан қилинадиган ишлар энди сонияларда бажарилмоқда. Аммо, айти пайтда, оддий авом халқ (улар фойдаланувчиларнинг аксариятини ташкил қилади) бу воситалардан фақат кўнгилхушлик учун фойдаланмоқда. Масалан, интернетнинг ёшларга кўрсатаётган салбий таъсири ҳақида бугун жаҳон миқёсида ташвиш билан тилга олинмоқда.

Маънавий ва хусусий даражада глобаллашув инсонни қуруқ истеъмолчига айлантди: бахт моддий фаровонлик билан белгиланади. Яшашдан мақсад максимал даражада ҳаётдан лаззатланишдангина иборат бўлади. Бу ерда руҳий-маънавий қадриятларга, эзгулик, савоб, бировга беғараз ёрдам кўрсатиш каби олий тушунчаларга ўрин йўқ. Инсонлар муносабатлари фойда ва зарар қонунлари асосида ишлайди. Ҳизмат кўрсатиш тизими кенг ривожланиб, кўнгилхушликнинг кўз кўриб, қулоқ эшитмаган турлари юзага келади. Айниқса, аёлнинг инсон сифатида кадр-

¹⁶ Маълумотларга кўра, ўтган йилнинг сентябрь ойида дунё бўйича интернетдан фойдаланувчилар салкам 1 миллиард 734 миллион нафарга етган. Ваҳоланки, 2000-йилда глобал тармоқдан 361 миллионга яқин одам фойдаланган.

киммати жуда тушиб кетади. ОАВ да кўз-кўз қилинадиган гўзал хонимларга инсон сифатида эмас, балки маҳсулот сифатида қарашади¹⁷.

Бу борадаги ўзгаришларни Ҳинд жамиятида ҳам учратиш мумкин: “Бугунги авлод юзлаб кабель ва суний йўлдош каналларини кўради. Маданиятдаги ўзгаришлар инқилобий даражада. “Кока Кола” компанияси ўтказган сўровга кўра, қишлоқ ва шаҳарлардаги ҳинд ёшларининг ягона орзуси – бой бўлиш. Бунга эришишнинг йўлини улар бизнес ва таълим орқали, деб билишади. Илгари энг кўп орзу қилинадиган карьера давлат хизмати, муҳандислик, тиббиёт каби соҳалар бўларди. Ҳозир ёшлар эътиборида энг жозибадор касб сифатида ахборот технологиялари ва месс-медиа турибди”¹⁸.

Юқоридаги мисоллардан кўриниб турибдики, глобаллашув жараёнини ортга қайтариб бўлмайди. Бу худди отилган ўқни қайта ўқдонга тикишга уринишдек гапдир. Бугун дунёдаги ҳар бир давлатнинг иқтисоди, сиёсий муносабатлари айти шу глобаллашув қадриятлари асосида шаклланиб улгурди. Мазкур бўлимда келган маълумотлардан маълум бўладики, глобаллашув ҳодисанинг ижобий ва салбий жиҳатлари мавжуддир. Энг салбий жиҳати – замонавий дунёда инсон инсонлигини бой бериб қўйиш хавфи юқори эканлигидир. Бунинг тирик мисолини Ғарб ҳаётида кўриб турибмиз.

¹⁷ Мамадиев Б. Глобаллашув – у инсонни таназзулга бошлайдими? // Маърифат. - Тошкент.2008. - № 38. - Б.12.

¹⁸ Мамадиев Б. Ҳиндистон ёшлари: кеча ва бугун// Маърифат. – Тошкент.2008. - № 20. - Б.12.

II. ҒАРБ МАДАНИЯТИНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

2.1. Ғарб маданияти тарихи ва бугуни ҳамда унинг инқирози сабаблари

Ғарб маданияти – келиб чиқиш асослари Европа халқлари маданиятига алоқадор бўлган тушунчадир. Бироқ, Европа мамлакатларининг барчасини ғарб маданиятига мансуб, деб қараш ғарб олимларининг аксарияти томонидан инкор қилинади.

“Ғарб маданияти” атамаси маънавий мерос, миллий қадриятлар, анъанавий урф-одатлар, диний ақидалар ва сиёсий тузилмаларни ифодалаш учун ишлатилади. Айниқса, ғарб маданияти қуйидагиларда намоён бўлади:

- ❖ Юнон - Рим маданиятидан Уйғониш даври маданиятигача бўлган босқич. Бунда халқларнинг буюк кўчишини Европа халқларининг маданий-ижтимоий ҳаётига таъсирини, Эллинистик¹⁹, схоластика²⁰, гуманизм²¹ таълимотлари томонидан ривожлантирилган рационал фикрлаш тарзини ҳаётнинг турли соҳаларига ёйилишини, диний мифология ва ақидаларга қарши тенглик ҳамда демократик қадриятларининг шаклланишини кўриш мумкин.
- ❖ Диний фикрлаш тарзида, урф-одатлар ва анъаналар масаласида Христианлик маданияти устун бўлган босқич.
- ❖ Ғарб маданиятини Романтизм²² фалсафаси томонидан янада ривожлантирилган оғзаки ва ёзма анъаналар, фолкълор, муסיқа, санъат асосида шаклланиш босқичи.

Юқорида санаб ўтилган фалсафий таълимотлар моҳиятига эътибор берсак, бугунги Европа халқлари эришган ютуқлари заминини билиб олган

¹⁹ Эллинизм — Македония, Юнонистон, Ўрта денгизнинг шарқий соҳиллари, Ғарбий Осиё, Қора денгиз атрофидаги мамлакатлар тарихининг Александр (Искандар) истилоси (мил. ав. 334—323 й.лар)дан мил. ав. 30 й.да Миср Рим кўшинлари томонидан ишғол этилган пайтгача ўтган давр.

²⁰ Схоластика (юн. *scholastikos* — мактабга, олимга оид) — диний дунёқарашни назарий асослашга интилувчи диний фалсафа.

²¹ Гуманизм (лот. *humanus* — инсоний) — одамларга меҳр-муҳаббат билан қараш, уларни ҳурмат қилиш, инсоннинг моддий фаровонлигини юксалтириш ва кишиларда юксак маънавий фазилатларни ривожлантиришга ғамхўрлик қилиш.

²² Романтизм (франц. *romantisme*) — 18-асрнинг 1-ярми — 19-асрда Европа, шунингдек, Америка адабиёти ва санъатида пайдо бўлган ҳамда жаҳон бўйлаб кенг тарқалган оқим.

бўламиз. Мисол учун, Милоддан аввалги IV-III асрларда Юнон оламида бошланган ижтимоий ўзгаришлар натижасида туғилган сиёсий лоқайдлик, бепарволик ва умидсизлик кайфиятлари бир қанча фалсафий таълимотларнинг келиб чиқишига сабаб бўлди. Мазкур оқимларнинг энг муҳимлари — эпикурчилар, стоиклар ва киниклар фалсафасидир²³. Эпикур (мил.ав. 344—270) ўз таълимотида, ахлоқ масалаларига доир маънавий хулосалар чиқарган. Унингча, модомики, бутун коинот, ҳатто одамнинг руҳи ҳам атомлардан иборат экан, табиатда ҳеч қандай ғайритабиий ҳодисаларнинг бўлиши мумкин эмас. У турли бидъатларни рад этади. Коинот ҳақидаги нотўғри тушунчалар одамни ҳар доим кўрқув ва таҳликага солиб, унинг осуда ҳаёт кечиришига халақит қилади. Бўлмағур хавф-хатарлардан қутулмас экан, инсон ҳаётнинг лаззатларини ҳис этмайди, роҳатни билмайди. Ваҳоланки, яшашнинг чин маъноси — ҳаёт гаштини сурмоқдир. Бироқ ҳар бир одам ҳақиқий роҳатни ташқи оламдан эмас, балки ўз ички дунёсидан, руҳий эркинликдан ва дилнинг осойишталигидан ахтармоғи керак. Стоиклар фалсафаси ҳам кўп жихатдан Эпикур фикрларига яқин. Бу оқимга асос солган Зенон (мил.ав. 335—253й.) ўзининг машғулотларини Афинадаги пешайвон таҳлит бинода ўтказган. Шунинг учун юнонча «стоя» (пешайвон) сўзи кейинчалик ушбу оқимга нисбат берилган. Эпикурчилар руҳий осойишталик принципларини тарғиб қилган бўлсалар, стоиклар шафқат, саховат ғояларини тарғиб қилганлар. Уларнинг фикрича, одам боласи эхтиросларнинг таъсирини енгиб, тақдирнинг изми, табиат қонунлари асосида маънавий эркин ҳаёт кечирмоғи лозим. Улар жамиятдаги барча расмий таомилларни, ҳатто ахлоқ - одоб қоидаларини инкор қилиб, инсонни табиий ҳолатга қайтишга ва сохта удумларни ташлаб, оддий ҳаёт кечиришга чақирадилар. Кейинчалик ўрта асрларда схоластика таълимоти Ғарбий Европада тараққий этган. У илоҳиёт - ақида асосларини рационалистик методика ва формал мантиқ масалалари (“масала талашиш”) билан боғлайди.

²³ Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси. 9-жилд. – Тошкент. ЎзМЭ, 2006. – Б. 831.

Схоластика таълимотининг асосий мақсади — динни химоя қилиш эди²⁴. Кейинроқ эса Уйғониш даври (13 - 16-асрлар) да схоластикага ва черковнинг маънавий ҳукмронлигига қарши турган дунёвий ҳурфикрлилик ғояси остида Гуманизм таълимоти шаклланди. Ғарбий Европадаги бир неча мамлакатларда гуманизм ижтимоий тафаккур соҳасида, адабиёт, санъат ва илм - фанда католицизмга ва шахснинг қуллигига қарши қаратилган илғор ҳаракат эди. Гуманизм тарафдорлари ўз замонасининг тараққийпарвар кучлари бўлган. Улар инсон ҳуқуқи ва олижаноб фазилатлар, илм-маърифат ва хуррият учун, кишиларнинг ҳар томонлама эркин ривожланиши учун кураш олиб бордилар. Гуманизмнинг атоқли намояндалари Ф. Петрарка, Ж. Боккаччо, Леонардо да Винчи, Ж. Бруно, Т. Кампанелла (Италия), М. Монтень, Ф. Рабле (Франция), Т. Мор, Ф. Бэкон (Англия), Н. Коперник (Польша) ва бошқалар эди²⁵.

Ғарб маданияти тушунчаси кўп ҳолатларда Ғарб дунёсининг классик таърифига боғланади. Бунга кўра, Ғарб маданияти ўзга цивилизациялардан ажралиб турадиган адабий, илмий, сиёсий, санъат ва фалсафага оид принциплар мажмуидир.

Ғарб дунёсининг классик давр маданияти тарихида Юнон - Рим анъаналари етакчи ўрин тутди. Шу билан бирга, юнонларни форсларга қарши урушларда қатнашганлиги сабабидан кўришимиз мумкинки, бу даврда Ғарб ва Шарқ дунёси ўртасида зиддият мавжуд бўлган. Юқоридаги каби урушларда мағлубиятга учрашларига қарамай, юнонлар Европанинг катта қисмида истиқомат қилувчи ёввойи табиат варварлар ҳамда шарқдаги славян халқларига нисбатан маънавийлашган халқ бўлиб қолдилар. Айниқса, қадимий Юнонистоннинг илмий, фалсафий, демократик, архитектуравий, адабий ва санъат ютуқлари асосида Европа маданияти шаклланди. Беш юз йил давомида Рим империяси юнонларни қўл остида ушлаб туриши орқали

²⁴ Ўзбекистон Миллий Энсиклредияси. 8-жилд. – Тошкент. ЎзМЭ, 2006. – Б. 431.

²⁷ Ўша асар. – Б. 236.

Ғарбдаги лотин забон халқлар анча илғорлашига қарамай, Ғарб ва Шарқ халқлари маданиятлари ўртасидаги тафовут сақланиб келди²⁶.

Рим империяси марказида Христианлик динининг вужудга келиши Рим империясининг анъаналари ва маданиятини сиқиб чиқариш билан биргаликда ушбу империя қулаганидан сўнг, Ғарб тамаддуни ривожланишига асос бўлиб хизмат қилган кадриятларнинг юзага келишига олиб келди.

Ўрта асрларга келиб Европа халқлари ҳаётида бир мунча ўсиш ҳолатлари кузатилди. Бу борада европаликларни Шарқ халқлари билан турли соҳалар бўйича алоқаларини йўлга қўйишлари катта туртки бўлди. Узок ўтмишдан буён Шарқни Ғарб билан боғлаб турган қитъалараро карвон йўли, ҳозир “Ипак йўли” деб аталган савдо йўли фақат савдо-сотикни таъминлабгина қолмай, балки бошқа соҳалар ривожидида катта аҳамиятга эга бўлган.

Султон Санжар давридан бошлаб, салжуқий турклар Византия империяси билан бир неча бор тўқнашиб, Кичик Осиё жанубидаги Конья ва бир неча кичик шаҳарларни ишғол қилган эдилар. Голиблар Ўртаер денгизи билан Қора денгизни бирлаштирувчи, Ғарб ва Шарқ ўртасидаги савдони таъминловчи денгиз йўли Босфордан савдо кемалари юришини тўхтатадилар. Бунинг оқибатида Европа мамлакатлари Ҳиндистон, Хитой ва умуман, Шарқ мамлакатларига денгиз йўллари ахтаришга киришадилар. Натижада, фавқулодда равишда янги қитъа – Америка кашф этилади, Васко да Гама эса 1497- 1499 йилларда Ҳиндистонга денгиз йўлини очади.

Европа мамлакатларидаги бу кашфиётлар кемачилик, техника, география фанлари, умуман, амалий илм-фаннинг кенг тарқалиши, тезликда ўсишига даъват этди. Натижада Европа мамлакатлари илмий-техник тараққиётни жадаллик билан амалга оширишга киришади²⁷. Юқорида келтирилган сабаблар асосида Европа бугунги тамаддуни пойдеворини қурган эди.

²⁶ <http://www.wikipedia.org>

²⁹ Сулаймонова Ф. Ғарб ва Шарқ. –Тошкент: Ўзбекистон, 1997. – Б. 398-399.

Ўтган асрнинг сўнги чораги ва XXI асрнинг дастлабки йилларида ғарбдаги етакчи давлатлар иқтисодий-ижтимоий, сиёсий, илмий технологик тараққиёт борасида улкан ютуқларни қўлга киритган бўлса-да, бу натижаларни шубҳа остига олаётган, ҳатто ғарбона тамаддуннинг маданий ва маънавий-ахлоқий жиҳатдан емирилиб бораётганини асослашга уринаётган турли концепсиялар пайдо бўлди. Сирасини айтганда, бундай ёндашувнинг илк куртаклари ҳаёт фалсафаси таълимотининг асосчиларидан бири, немис файласуфи Отто Шпенглернинг "Оврупонинг сўниши" (1922), Ерих Фроммнинг "Еркинликдан қочиш"(1941), "Хомхаёллар қуршовида" (1962), "Умидлар инқилоби" (1968), Даниел Беллнинг "Мафқуранинг емирилиши" (1960) каби асарларидаёқ намоён бўла бошлаган эди. Шуниси эътиборлики, ривожланган ғарб мамлакатлари тараққиётнинг янги - постиндустриал босқичига кўтарилиши билан бундай интилишлар сўниш ўрнига янада авж олди. Бу даврда таниқли инглиз олими Арнолд Тойнбининг "Тамаддун - тарих ҳукми олдида", Фридрих Хайекнинг "Қуллик сари йўл" (1989), Френсис Фукуяманинг "Тарих интиҳоси" (1985), "Тарих интиҳоси ва сўнги одам" (2004), Жак Барзумнинг "Ёруғликдан зулмат сари: ғарб маданий ҳаётининг 500 йиллик тарихи" (2000) ва бошқа кўплаб асарлар бирин-кетин чоп етилди. Улар орасида Ричард Никсон ва Роналд Рейганнинг собиқ ёрдамчиси, америкалик таниқли файласуф, журналист ва сиёсий шарҳловчи Патрик Бюкененнинг "Ғарбнинг ҳалокати" (2002) асари алоҳида ўрин тутди²⁸. Мазкур асар мавзу доирасининг кенглиги ва хулосаларининг кескинлигига кўра, америкалик сиёсатшунос Самуел Хантингтоннинг ғарб мамлакатларида жиддий шов-шувга сабаб бўлган "Тамаддунлар тўқнашуви" (1994) асаридан асло қолишмайди. Бироқ, Хантингтон глобал инқироз омилларини тамаддунлар ўртасидаги зиддиятларнинг кескинлашуви ва уларнинг тўқнашуви билан изоҳлаган бўлса, Бюкенен ғарбнинг ҳалокатга юз тутиш мумкинлиги ҳақидаги хулосасини бошқа омиллар билан боғлайди. Хўш, қандай далилларга таяниб, у бундай хулосага келади? Асарда муаллиф,

²⁸ Баходир Зокир. Ғарб инқирози // Тафаккур журнали. – Тошкент. 2007. - № 2. – Б.22-23.

статистик ва социологик маълумотлар ҳамда кўплаб таниқли олим-мутахассисларнинг фикр-мулоҳазаларига таянган ҳолда, ғарб тамаддуни асосларига таҳдид солаётган қуйидаги хавф-хатарларга эътибор қаратади:

Биринчиси - демографик омил, яъни ғарб мамлакатларида туғилиш даражасининг кескин пасайиши. Бу ҳақда Бюкенен қуйидагиларни ёзади: “Ғарб том маънода "ўлмоқда": деярли барча ғарб мамлакатлари аҳолиси ақл бовар қилмас даражада камайиб бормоқда. Ўн тўртинчи асрда Европа аҳолисининг учдан бир қисмини қириб юборган "қора ўлат" эпидемиясидан буён Ғарб цивилизацияси ҳали бу қадар хатарли таҳдидга дуч келмаган. Бу офат бутун ғарб тамаддуини қириб юбориши ҳеч гап эмас.

Ҳозирги вақтда Европа мамлакатларидан ўн еттитазида (Белгия, Болгария, Венгрия, Германия, Дания, Испания, Италия, Латвия, Литва, Португалия, Россия, Руминия, Словакия, Словения, Хорватия, Чехия, Эстония) ўлим кўрсаткичи туғилишдан кўра анча юқорилаб кетган, яъни бу давлатларда беланчакдан кўра тобутга эҳтиёж кўпроқ. Таъбир жоиз бўлса, католиклар, протестантлар, православлар - барча-барчаси ғарб тамаддуини "кўмиш маросим" ида иштирок этмоқда".

Иккинчи - ғарбнинг маданий яхлитлигига зарба бераётган турли ирқ, эътиқод ва маданиятга мансуб кишиларнинг оммавий муҳожирлиги. Маълумотларга кўра, биргина Калифорния штатидаги муҳожирларнинг сони (8,4 миллион киши) бутун бошли Жанубий Калифорния штати аҳолисидан кўп экани аниқланган.

Учинчи - давлатларнинг парчаланиши ва ҳокимиятнинг миллий ҳукуматдан "дунё ҳукумати" деб аталадиган жаҳон миқёсидаги ҳукмрон кучга босқичма-босқич топширилиши²⁹.

Тўртинчи - насроний дин ва ахлоққа зид бўлган ғоя ва қарашларнинг сингдирилиши оқибатида азалий қадрият, урф-одат ва анъаналарнинг емирилиши. Маълумки, ғарб мамлакатларининг ижтимоий-иқтисодий тараққиётнинг юксак чўққиларига кўтарилишида насроний қадрият, урф-одат

²⁹ Баҳодир Зокир. Ғарб инқирози // Тафаккур журнали. – Тошкент. – 2007. - № 2. – Б.22-23.

ва анъаналар, диний ахлоқнинг аҳамияти беқиёс бўлган. Аниқроқ айтганда, насронийлик ғарб тамаддунини вужудга келтирган, унинг иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий тузумининг ғоявий-мафкуравий негизлари, миллий-этник онгининг маъно-мазмунини белгилаб берган етакчи омил сифатида хизмат қилиб келган. Аммо ўтган асрнинг сўнгги чораги ва ХХІ асрнинг бошларида аксарият ривожланган мамлакатлар ижтимоий, маънавий-маданий ҳаётида юз бераётган салбий ўзгаришлар, чунончи, азалий насроний кадрият ва ахлоққа зид қарашлар пайдо бўлаётгани ҳамда жамият ҳаётига изчил жорий этилаётгани ғарбдаги кўплаб мутахассисларни ташвишлантормоқда. Жумладан, тарихчи Жон Нелсон Блек бундай деб ёзади: "Инсоният тарихий тараққиётининг қайси даврига назар ташламанг, диний эътиқод ҳар қандай буюк давлатнинг пойдевори сифатида хизмат қилиб келганига гувоҳ бўласиз. Ҳиндистон, Хитой, Юнонистон, Африка ёхуд Жанубий ва Марказий Америка тамаддунлари бўладими - уларнинг барчасида бир хил жараённи кузатиш мумкин: тамаддунлар дин негизида вужудга келган ва аксинча, қандайдир сабаблар туфайли анъанавий эътиқоднинг жамият ҳаётига таъсири сусайган ёхуд ундан бутунлай воз кечилган ҳолларда миллатлар, халқлар ва давлатлар таназзулга юз тутган".

Ҳозирги вақтда насронийлик, азалий кадрият ва анъаналар таълим масканларидан қувғин этилаётганини таъкидлаб, Бюкенен маданий инқилобчиларнинг 1973 йили нашр қилинган ва кенг тарғиб этилаётган ғоявий-мафкуравий манбаларидан бири - "Гуманитар манифест" дан олинган айрим итқибосларни китобхон эътиборига ҳавола этади. Мана улардан айримлари: "Ибодат қилаётган одамнинг Яратганга эътиқоди - исботлаб бўлмайдиган эскилик сарқитидир... Анъанавий ахлоқ бугунги кун талабларига жавоб бермай қолди... Ўлимдан кейин жаннатга тушиш ёхуд жаҳаннам азобларига дучор бўлиш ҳақидаги ақида нафақат мавҳум, балки инсон руҳияти учун ўта хатарлидир..." ва ҳоказо. Бюкененнинг фикрича, бундай қарашларни тарғиб этаётган, насронийликни ҳатто мактаб бўсағасига ҳам йўлатмаётган маданий инқилобчиларнинг саъй-ҳаракати билан ёш авлод

қалби ва онгига ғайрирасроний ғоялар сингдирилмоқда³⁰. Бунинг оқибатида Ғарб мамлакатларида “оммавий маданият” тушунчаси юзага келди. “Оммавий маданият” Ғарб дунёсида ўтган асрнинг иккинчи ярмида шаклланди. Гарчи “маданият” деб аталса-да, аслида, туб мазмун-моҳиятига, ният-мақсадига кўра “оммавий маданият” чинакам маданиятнинг кушандасидир. “Оммавий маданият” кўпдан-кўп шаклларда ўзини намоён этади. Китч (заррача бадий-эстетик қимматга эга бўлмаган нарса ва буюмларга юксак андоза тусини бериш), комикс (тагига қисқа матн ёки луқмалар битилган беҳаё матбаа – расм маҳсулотлари), старизм (субъектив эҳтиросларга берилган ҳолда эстрада артистлари, актёрлар, спортчилар, теледикторларни илоҳийлаштириш), хэппининг (аввалдан режалаштирилмаган, ногаҳонда уюштириладиган “кескин” томошалар, масалан, рояль, пианино ёки автомобилларни уриб абжағини чиқариш ёхуд ўт қўйиб ваҳшиёна, оммавий “кўнгил очиш” ларни ўтказиш) “оммавий маданият”нинг айрим кўринишларидир³¹.

Америка маданий элитаси ажралишлар, аборт ва расроний қадриятларнинг емирилишини эркинлик сари тараққиётнинг ўзига хос муҳим босқичлари сифатда талқин этаётганини таъкидлаб, Бюкенен бундай деб ёзади: "Маънавият ва ахлоқнинг моҳияти хусусида яқдилликка эриша олмас эканмиз, у ҳолда қандай қилиб маънавияти юксак жамиятни барпо этишимиз мумкин? Наҳотки юртимиз тақдирига бефарқ бўлмаган кишилар маданий инқилобчиларнинг бутун саъй-ҳаракати одамларни иймон-этиқодидан қайтариш, Яратгандан юз ўгириш ва уларнинг онгига "турмуш тарзининг барча шакллари тенг ҳуқуқлидир" қабилидаги ғаразли ғоя ва қарашларни сингдиришга йўналтирилганини пайқамаётган бўлса?!".

Бешинчи – оила институти инқирози. Ўтган асрнинг 60-йилларида ғарб мамлакатларида содир бўлган маданий инқилоб эр, хотин ва болаларни оилавий вазифалар, бурч ва масъулиятдан озод этиб, оилага бўлган ижтимоий эҳтиёжни йўққа чиқарди. Бу ҳол оиланинг ижтимоий институт

³⁰ Баходир Зокир. Ғарб инқирози // Тафаккур журнали. – Тошкент. – 2007. - № 2. – Б. 22-23.

³¹ Мамадиев Б. “Оммавий маданият” – маънавият кушандаси // Маърифат. – Тошкент. - 2008. – Б. 12.

сифатида емирилишига сабаб бўлди. Бюкененнинг ёзишича, "хукмронликни қўлга олган оммавий маданият кеча-ю кундуз азалий насроний қадриятларимизни камситиб, ҳатто аёлнинг эри ва болалари бўлиши табиий ҳаётий эҳтиёж экани ҳақидаги тасаввурлар устидан кулиб келди. Бугунги кунда жамиятимизда аёлни оналик вазифасидан буткул марҳум этишга интилаётган кучлар пайдо бўлди... 1950 йили олти ёшли боласи бор аёлларнинг 84 фоизи уй-рўзғор ишлари билан шуғулланган ва яна ҳомиладор бўлишга имкон топган. Бугун эса, аксинча, бундай аёллар офисларда тўлик иш куни тартибида ишлаб, фарзандли бўлишни ҳатто ҳаёлига ҳам келтираётгани йўқ".

Бундай вазиятнинг вужудга келишида ўтган асрнинг бошларида аксарият ғарб мамлакатларида шаклланган ва бугунги кунга келиб ғоят кучли ижтимоий ҳаракатга айланган феминизмнинг "хизмат"и катта бўлган. Масалан, ашаддий феминист аёллардан бири Ш.Кронин "Жуиш Уорлд Ревю" журналининг 2000 йил февраль сонидида чоп этилган мақоласида оиланикоҳ масаласи ҳақида тўхталиб, бундай деб ёзади: "Никоҳ бу - қулликнинг бир шаклидир. Шундай экан, аёллар ҳаракати ана шу институтга қарши йўналтирилиши зарур. Негаки, никоҳ барҳам топмаган жамиятда аёлларнинг озод этилишига умид қилиш хомхаёлдир". Афсуски, бу ғоялар таъсирида миллион-миллион америкалик аёллар оила қуриш ва бола туғишдан воз кечмоқда, барча динларда қораланган оиланинг ноанъанавий шакллари пайдо бўлмоқда.

Дейлик, 1970 йилдан ҳозирги вақтгача никоҳсиз яшаётганлар сони 523 мингдан 6,5 миллионгача, яъни 1000 фоизга ошгани, фақат тўрт хонадондан биттасида тўлиқ оила истиқомат қилаётгани, бир жинсга оид "никоҳ"лар кўпайиб бораётгани, якка ўзи яшаётган америкаликлар мамлакат аҳолисининг 26 фоизини ташкил этаётгани фикримизни тасдиқлайди. Британияда эса болаларнинг 34 % никоҳсиз туғилмоқда; тахминан, шунча миқдордаги катта ёшлилар ажралиш алаmidан азият чекмоқдалар; келгуси йигирма йил давомида британиялик болаларнинг ярмидан озроғигина ота-

она тарбиясини олади. АҚШда камалганларнинг ярмидан кўпи бузилган оилалар фарзандлари экани, ота-онасини ажрашгани туфайли етказилган кучли руҳий зарба эркак ва аёлларга ўрта ёш, ҳатто кексалик чоғида ҳам салбий таъсир ўтказиб туриши аниқланган³².

Европаликларда “эрлар аёллар учун биринчи бўлишни, аёллар эса эркаклар учун сўнгиси бўлишни орзу қиладилар”, деган гап бор. Бунинг маъноси эр уйланмоқчи бўлган қизнинг аввал бошқа эркак билан бўлмаганини орзу қилади. Аган зинога аралашган бўлса, фарқи йўқ, бу ёғига тўғри юрса бас. Хотин эса “эрим менгача юрган бўлса юргандир, энди юрмасин”, деб орзу қилишидир³³. Бу тушунча турли маданиятларда ҳар хил қабул қилинади.

Ҳозирги кунда Ғарб мамлакатларида оилага муносабат ёмон томонга ўзгариб кетганлигини юқорида кўп бор таъкидлаб ўтдик. Ҳолбуки, аввалги замонларда уларда ҳам оила муқаддас, деб ҳисобланарди. Аммо оилага “эркинлик” мартабасини берилиши жамиятни ҳам бора-бора издан чиқарди. Мисол учун, Бугун Ғарбда қуйидагича оила бобидаги бузилишларни учратиш мумкин:

1. Бир жинсдан иборат “оила” институтини тузилишига қонун доирасида йўл очиб қўйилганлиги.
2. Оила қурмай ёлғиз яшашга интилиш кучлилиги. Маълумотларга кўра, бу борада ҳам америкаликлар пешқадам эканлар.
3. Хотин эрни ёқтирмай қолгани учун уни ташлаб кетиши³⁴.

Хуллас, оила-никоҳ муносабатларининг инқироzi ғарбона турмуш тарзининг азалий насроний қадриятлари саналган фидойилик, меҳрибонлик, садоқат, иймон-эътиқод каби фазилатларнинг фақат шахс манфаатларининг кондирилишига қаратилган индивидуалистик қарашлар томонидан сиқиб чиқарилгани билан изоҳланади. Бир сўз билан айтганда, ғарбнинг тақдири бугун кўп жиҳатдан аёлларга боғлиқ бўлиб қолди.

³² Тимоти Ж. Уинтер. XXI асрда Ислом. – Тошкент. Шарқ, 2005. – Б. 95.

³³ Тоҳир Малик. Одамийлик мулки. – Тошкент. Шарқ, 2008. – Б.161.

³⁴ Ўша асар. – Б.162.

2.2.Замонавий ўзбек жамияти ва миллий маънавиятга “оммавий маданият”нинг таҳдиди

Шўро империясининг барҳам топиши, социалистик системанинг инқирозга учраши дунё сиёсий манзарасини тубдан ўзгартириб юборди.Илгари кимнинг кимга дўст, кимга душманлиги капиталистик ва социалистик тизимдан келиб чиқиб аниқланган бўлса, бугун бунинг иложи йўқ.Дунё ғоявий кураш майдонига –мафкуравий полигонга айланди. Президентимиз таъкидлаганларидек, “айтиш мумкинки, бугунги замонда мафкура полигонлари ядро полигонларидан ҳам кўпроқ кучга эга”. Бу масаланинг кишини доимо огоҳ бўлишга ундовчи томони шундаки, агар харбий, иқтисодий, сиёсий тазйиқ бўлса, буни сезиш, кўриш, олдини олиш мумкин, аммо мафкуравий тазйиқни, унинг таъсири ва оқбатларини тезда илғаб етиш ниҳоятда қийин.Шу маънода давлатимиз раҳбарининг огоҳликка даъвати хар миллий маънавиятимизга қарши қаратилган таҳдидларга курашнинг асоси бўлиши лозим.

Анъанавий ва индустриал жамиятларда информацион фаолият мустақил соҳани ташкил этган бўлса, “компьютер инқилоби” шароитида информациялар, билимлар ишлаб чиқарилиши, янги технологиялар яратиш алоҳида турдаги фаолият сифатида шаклланди, информация қимматбаҳо товарга айланди. Информацион фаолиятдаги билимлар синтези тизимидаги мураккаб ўзгаришлар муҳим қарор топган ғоялар ва кадриятларга таъсир этмоқда. Бунинг оқибатида фаолият ва маданиятнинг ўзаро муносабатларида ўзгаришлар бошланди. Натижада гиёҳвандлик, ахлоқсизлик, ташқаридан кириб келаётган тубан “оммавий маданият” нинг турли хил иллатлари, хавфи ва зарарли таъсири жамиятимиз ва турмуш тарзига кириб кела бошлади. Аслида қадимдан халқимиз орасида фарзандларни хар томонлама камолотга эришишидаги асосий восита бўлган одоб беришда ота-оналар томонидан уларни инсоний кадриятларга мувофиқ ҳаёт кечиришга чақириш, уларга ибратли ривоятларни ҳикоя қилиш, бу борада тарбиячиларнинг ўзлари ҳам шахсий ўрнак кўрсатиш усуллари урф бўлган. Бугунги дунёда кечаётган

мураккаб жараёнлар эса ёшлар тарбиясига янада катта эътибор қаратишни талаб этмоқда.

Замонавий ўзбек жамиятида оила муносабатлари билан боғлиқ урф-одатлар, никоҳ турли шакллари нинг ижтимоий, инсонпарварлик моҳиятини фалсафий жиҳатдан тўғри баҳолаш ҳам ниҳоятда муҳимдир. Зеро, бундай тарзда илмий асослаш у ёки бу халқ никоҳ-оила муносабатларигагина эмас, умуман бутун миллат менталитети хусусиятларига тўғри баҳо бериш учун зарурдир. Президент И.Каримов “Барчамизга аён бўлиши керакки, қаердаки бепарволик ва лоқайдлик ҳукм сурса, энг долзарб масалалар ўзибўларчиликка ташлаб қўйилса, ўша ерда маънавият энг ожиз ва заиф нуқтага айланади. Ва аксинча қаерда ҳушёрлик ва жонкуярлик, юксак ақл идрок ва тафаккур ҳукмрон бўлса, ўша ерда маънавият қудратли кучга айланади”³⁵ ган фикрлари айнан биз бугун ўзибўларчилик ёки бепарволикка йўл қўйишимиз оқибатида жамиятимизда қандай бўшлиқ ёки хавф пайдо бўлишини тушунишимиз ва унга қарши кураш учун огоҳлик йўлидир. Бугунги кунда халқаро майдонда турли сиёсий кучлар ўзининг стратегик режаларига эришиш учун “эркинлик ва демократияни олға силжитиш” ниқоби остида амалга ошираётган, узоқни кўзлаган сиёсатнинг асл моҳияти ва мақсадларини ўз вақтида англаш катта аҳамиятга эга бўлиши, қудратли давлатлар томонидан муайян давлатларга ер ости, ер усти бойликлари кўп ҳудудларига нисбатан олиб борилаётган ғаразли сиёсат ўша ердаги тинч ҳаётни издан чиқараётганлигига эътибор қаратади.

Оммавий маданият-дейди Ислом Каримов бу ахлоқий бузуқлик ва зўравонлик , индивидуализм, эгоцентризм ғояларини тарқатиш шунинг ихисобидан бойлик орттириш бошва халқларнинг неча минг йиллик анъана ва қадриятлари, турмуш тарзининг маънавий негизларига беписандлик уларни кўпоришга қаратилган хатарли таҳдидир. Бугунги замонавий фан “оммавий маданият ” нинг туб замирида дарҳақиқат, тижорат, моддий манфаатдорлик борлигини эътироф этади.

³⁵ И.Каримов Юксак маънавият энгилмас куч.-Тошкент: Маънавият,2008. –Б.176

Ўзбек жамиятида мавжуд бўлган айрим таъқиқлар асосий хусусиятга эга эканини уқтириш лозим. Умуман, жамият ва унинг аъзолари ўртасида ўрнатилган ўзига хос жиҳатлар жамиятнинг барқарорлигини таъминлашда муҳим бўлиб келган. Масалан: Марказий Осиё ҳудудига Ислом дини кириб келгач, оилага доир қонун-қоидалар ушбу дин таълимоти асосида шаклланди, яъни, оилада эрнинг мавқеи баландлиги, шу билан бир қаторда хотин ҳам ўз ҳақ-ҳуқуқларга эга эканлиги, фарзандлар ота-оналари билан ўртада чегара борлигини ҳис қилиб, ҳурмат асосида мулоқотда бўлишлари оила барқарорлигини таъминлашда муҳим аҳамият касб этган. Кўп йиллар давомида ота-боболаримиз қалбига сингиб кетган бу қадриятлар бугунга келиб, кузатувларимиз натижасида юртдошларимиз орасида аҳамиятини бир мунча йўқотаётгандек кўринди ҳамда бу ҳолат диплом ишимизнинг Ғарб турмуш тарзига бағишланган қисми асосида жамиятимизнинг бугунги кўринишини ўрганишга ундади.

Глобаллашув шароитида замонавий жамият ҳаётида оилавий масалаларни ўрганишнинг аҳамияти ошиб бормоқда. Илгари оилавий ҳаёт кечириш давомида дуч келинадиган муаммолар оила аъзолари даврасида, ички муҳитда ҳал қилинган бўлса, эндиликда бундай муаммолар омма кўз ўнгида кўриб чиқилмоқда. Жумладан, ўзбек оилаларида эр-хотин ўртасида чиқадиган можаролар ота-она ёки бир неча гувоҳлар кўмагида ечилган бўлса, ҳозирда эса кенг жамоатчиликка маълум қилиниб, суд органлари орқали бундай масала ҳал қилинмоқда. Шунингдек, илгари ўқувчиларга таълим беришда анъанавий воситалардан фойдаланилган бўлса, эндиликда илм олиш истагидаги инсонлар бевосита тарбиячисиз электрон кутубхоналар ёрдамида таълим олиш имкониятига эга бўлмоқда.

Демак, бундай ҳодисалар жамиятга бошқа цивилизация элементларининг таъсири бугунги кунда табиий ҳолга айланиб бораётганлигини кўрсатади. Жумладан, Оммавий маданиятнинг ижобий ва салбий жиҳатлари жамиятимиз ҳаётига ҳам кириб келаётганлиги фикримиз тасдиғидир. Ўйлашимизча, жамиятимизга оммавий маданиятнинг салбий

жихатлари таъсири юқорирок, айниқса, буни халқимиз онгида шаклланаётган индивидуализм ва “оммавий маданият” унсурларини ёйилаётганлигида кўрамиз. Бу муаммонинг назарий ва амалий ечими топилмаса, у юртдошларимиз орасида оммавий тус олиши ҳамда давлат ва жамият тараққиётига салбий таъсир ўтказиши мумкин.

“Оммавий маданият” туб моҳиятига кўра миллий маданиятларнинг кушандаси бўлиб, у маданий хилма-хилликни хушламайди, унинг асл мақсади-бу оламни яқраш кўриш. Оммавий маданият сценарийсининг асосий муаллифи саналган АҚШ да маданиятлар уйғунлиги орқали миллатлар ўртасидаги тафовут деворини йиқитиш борасида тўпланган бой тажриба шундан далолат берадики, Ягона миллат америкалик деган тушунчанинг вужудга келиши учун олиб борилган узок муддатли мафкуравий кураш алалоқибат халқни бирлаштирди. Аммо бу муваффақият ўнлаб-юзлаб миллат вакилларининг ўзлигидан мосуво этилиши тубжой аҳоли-ҳиндуларнинг бутунлай ютилиб кетиши ҳисобига юз берди.

Собиқ шўро давлатида ҳам худди шунга ўхшаш амалиёт ўтказилган эди. Оммавий “совет маданияти”, ясаш ниятида “совет граждани”, “совет гражданининг ахлоқ кодекси” сингари мағзи пуч тушунчалар зўр бериб тарғиб қилинди. Миллатлар бора-бора ягона совет халқига кўшилиб кетиши режа қилинди. Ҳатто миллат кадрият, менталитет деган тушунчалар луғатлардан ўчириб ташланди.

Оммавий маданиятнинг ёвузлиги шундаки, у одамзоднинг фикрлашига тиш-тирноғи билан қарши. Тўғри, қарашда оммавий маданият хурфикрлилик инсон эрки тарафдоридек кўринади. Лекин барча илму-амалининг негизига эътибор берилса инсоннинг фикрлашига тафаккур қилишига зид экани аён бўлади.

Оммавий маданиятнинг асл мақсади ҳар куйга солиш мумкин бўлган оломонни шакллантириш бўлгани боис у маънавий озуқа берадиган бадий юксак ўқувчини мушоҳадага ундаб тасаввур оламининг кенгайишига хизмат қиладиган асарларни яқинига йўлатмайди.

Оммавий маданият жамиятнинг маънавий ахлоқий кадриятларини бир сўз билан айтганда, миллий –маиший ҳаётни зимдан таъқиб қилиб боради. Ҳатто миллий диний тарбиядан урф-одатлардан бегоналашиш уларни менсимасликка даъват қилиш ҳоллари ҳам кузатилаётгани ўта ташвишлидир.

Юксак маънавия енгилмас куч китобининг “Маънавиятга таҳдид — ўзлимиз ва келажагимизга таҳдид” деб номланган бобида глобаллашув жараёни, унинг мазмун-моҳияти, ижобий ва салбий жиҳатлари, хусусан, мафкуравий таъсир ўтказишнинг воситаси сифатида турли сиёсий кучлар манфаатларига хизмат қилаётгани, ушбу жараён орқали миллий кадриятларимизга ёт ғоя ва қарашлар ёпирилиб келаётгани қандай салбий оқибатларни келтириб чиқариши мумкинлиги ҳаётий мисоллар асосида баён этилади. Бу ҳақли равишда таъкидланганидек, бундай таҳдидларга қарши ҳар томонлама чуқур ўйланган, пухта илмий асосда ташкил этилган, мунтазам ва узлуксиз тарзда олиб бориладиган маънавий тарбия, яъни фикрга қарши фикр, ғояга қарши ғоя, жаҳолатга қарши маърифат билан жавоб бериш мумкин.

Айниқса, ёшларимизни маънавий тажовузлардан ҳимоя қилишда нафақат ташқаридан қилинаётган хуружлар, балки ҳаётимизда баъзан кўзга ташланаётган ҳасад, бахиллик, бепарволик ва лоқайдлик каби иллатлардан жамиятимизни батамом халос этишни ўйлаш зарур. Юқорида баён этилган таҳдидларни бартараф этиш учун маънавий тарбия тизимини тубдан такомиллаштириш, бу соҳада фаолият юритаётган ташкилотлар самарадорлигини ошириш, мураккаб мафкуравий жараёнларни илмий-амалий жиҳатдан атрофлича таҳлил қилиш ва баҳолаш, уларнинг устувор йўналишларини, кимга ва нимага қарши қаратилганини аниқлаш, аҳолининг турли қатламларига таъсирини ўрганиш, миллий манфаатларимизда зид бўлган зарарли ғоя ва мафкуравий хуружларнинг моҳиятини очиб беришга қаратилган дарсликлар, ўқув қўлланмалари ва оммабоп адабиётларни тайёрлаш муҳим аҳамият касб этиши энг долзарб муаммолардандир.

Таълим-тарбия, телевидение ва оммавий ахборот воситалари, театр, кино, адабиёт, мусиқа, рассомлик ва ҳайкалтарошлик, яъни инсоннинг қалби ва тафаккурига бевосита таъсир ўтказадиган соҳалардаги фаолиятни замон талаблари асосида ривожлантиришнинг амалий масалалари ўрганиш ва тегишли чора тадбирлар ишлаб чиқишни тақозо этади.

Иккинчидан, илм-маърифат, оила, маҳалла, таълим-тарбия каби муҳим фундаментал қадриятларни маънавий шакллантирадиган асосий мезонлар сифатида кенг таҳлил қилади. Шуниси диққатга сазоворки, маънавийт ва моддий ҳаёт, умуман ҳаётнинг моддий ва маънавий асосларининг ўзаро муносабатларидек мураккаб ва зиддиятли муаммоларни бугун кечиктирмасдан ҳал қилиш масалалари илгари сурилгани ўзбек жамияти ҳаётида янги ҳеч кимдан кам бўлмаган ҳаёт тарзини шакллантириш муҳим эканлигини англатади.

Оммавий маданиятнинг санъатдаги кўриниши попарт (оммавий санъат) тарзида намоён бўлмоқда. У кўпчилик томошабинларга тушунарли бўлмаган абстракционизм ўрнига келди. 60- йилларда рок ҳаракати XX асрнинг иккинчи ярмидаги бадиий ҳаётнинг ёрқин тимсолига айланади. У Англия ва АҚШ да оёқ олиб бутун дунёни эгаллаб олди. Шу даврда Ғарбий Европа ва АҚШ да мафкурасизлашувга, яъни ижтимоий ҳаётни ҳар қандай мафкурадан холи этишга уриндилар. Франкфурт мактаби назариётчилари янги марксистлар попарт санъанти вакиллари ҳам шу йўлда ҳаракат қилдилар. Лекин бу йўл ҳам ўзини оқламади. Чунки тарбиядаги бўшлиқ ўз асоратларини кўрсатиб бошлади. Бундай ҳолат ҳақида нуфузли немис нашрларида ҳозирги ёшларимиз ўртасида лоқайдилик, руҳсизлик, бефарқлик, анланмаган норозилик, бекарор кайфиятлари тарзида намоён бўлаётган ёшлар маданияти деб аталувчи ҳатти ҳаракатлар кучаймоқда. Бу-ёшларнинг ўз аждодлари ижтимоий-ва маданий қадриятлардан бегоналашаётганликларининг белигиларидир. Патрик Жозеф Бьюкенен ўзининг машҳур “Ғарбнинг ҳалокати” асарида маданий инқилобнинг таъсири ҳақида шундай ёзади. “Ахборотлар, ажралишлар, туғилишнинг пасайиши, ўспиринлар ўртасида ўз-ўзига суиқасд ҳолларининг

кўпайиши мактабларнинг криминаллашуви гиёҳвандликнинг оммавий тус олганини қайд этган статистик маълумотлар маданий инқилоб келтириб чиқарадиган инқироз қанчалик чуқур илдиз отганидан далолат беради.

Мафкуравий янгиланиш қайта мафкуравийлашувга бугун кучли зарурат туғилди ва мафкурасизлик хатосини тuzатишга киришилди. Шу тариқа Ғарбий Евопа ва АҚШ нинг позитивистик педагогикаси ижтимоий қадриятларга эътиборни, мафкуравий тарбияни ўз ичига олувчи чора тадбирларни амалга ошириб бошлади. Ғарбнинг ўзида вазифасини бажариб бўлган умумий танқидга учраган оммавий маданият ғояси ҳамон баъзи сиёсий кучлар томонидан янги сиёсий иқтисодий ва ижтимоий маконларга суқулиб кириш курули воситаси сифатида қўлланиб келинмоқда. Бундан мақсад юқорида таъкидлаб ўтганимиздек инсонни миллий бирликдан ўзликни англашдан узоқлаштириш, оломонни ташкил этувчи манқуртларни шакллантиришдан иборат.

Европапарастлик ва америмкача маданият таъсири шу таъсирга жиддий мойиллик-оммавий маданиятга эргашиш одатда дунёқараши онги тўлиқ шакланмаган миллий ғоя ва қадриятлар моҳиятини англаб етмаган ёшлар орасида кўпроқ кузатилмоқда. Миллий асослар мазмун-моҳиятидан бегона руҳиятида вояга етаётган ёшлар табиий равишда санаб ўтилган маданиятларга тапқлид қилади ва бундан манфаат изловчи турли ёт кучлар қурбонига айланиб боради. Шу маънода “Маънавий таҳдид деганда, аввало, тили, дини, эътиқодидан қатъий назар, ҳар қайси одамнинг том маънодаги эркин инсон бўлиб яшашига қарши қаратилган, унинг айнан руҳий дунёсини издан чиқариш мақсадини кўзда тутадиган мафкуравий, ғоявий ва информацион хуружларни назарда тутиш лозим”.

Бугун баъзи ёшларимизнинг киндик кўринар кийинишларида, кучоқлашиб, ўпишиб саломлашишларида Валентин куни каби тадбирларда оммавий маданият таъсирини кўраяпмиз. Халқимиз азалдан тил, дин соҳасида бағрикенг бўлиб келган. Яқинда телевидениеда янги суратга олинган бир фильм ҳақида суҳбат олиб борилди. Журналист фильмнинг бош қаҳрамони ролини

ижро этган актирисанинг сўзларини таржима қилиб берди. Қаҳрамонимиз эса ўзбек тилини билмайдими ёки ўзга тилда гапиришни маданиятлилик белгиси деб ўйлаётими ? Ҳолбуки тил ҳам ўзликни англаш мафкуравий иммунитетни шакллантириш воситаларидан биридир.

Тарих шуни кўрсатадики, сиёсий эркинликни анча тез ва қон тўкмасдан кўлга киритиш мумкин. Инсон миллат табиий равишда фаровонликка интилар экан унга замин ҳозирлайдиган иқтисодий эркинликка ҳам қисқа вақт ичида эришса бўлади. Аммо тафаккур эркинлигига эришиш инсон онгига зўрлик билан сингдирилган ёлғон ақидалардан тоталитар даврларда орттирилган иллатлардан фикрий қарамликдан маънавий қулликдан халос бўлиш анча мураккаб иш.

Инсониятнинг кўп минг йиллик тажрибаси шундан далолат берадики, дунёдаги зўравон ва тажовузкор кучлар қайси бир халқ ёки мамлакатни ўзига тобе қилиб, бўйсундирмоқчи, унинг бойликларини эгалламоқчи бўлса, авваламбор, уни қуролсизлантиришга, яъни энг буюк бойлиги бўлмиш миллий кадриятлари, тарихи ва маънавиятидан жуда қилишга уринади. Бунинг тасдиғини узоқ ва яқин тарихдаги кўп-кўп мисолларда яққол кўриш мумкин. Чунки ҳар қайси миллат ёки халқнинг маънавияти унинг бугунги ҳаёти ва тақдирини, ўсиб келаётган фарзандларининг келажагини белгилашда шак-шубҳасиз ҳал қилувчи аҳамият касб этади. Бинобарин, маънавиятга қарши қаратилган ҳар қандай таҳдид ўз-ўзидан мамлакат хавфсизлигини, унинг миллий манфаатларини, соғлом алод келажагини таъминлаш йўлидаги жиддий хатарлардан бирига айланиши ва охир-оқибатда жамиятни инқирозга олиб келиши мумкин.

Умуман олганда “оммавий маданият” ниқоби остидаги ахлоқий бузуқлик ва зўравонлик, индивидуализм, эгоцентризм ғоялари таъсирида минг йиллик анъана ва кадриятлар, миллий турмуш тарзимизнинг негизларига беписандлик, менсимаслик, эскилик сарқити деб қарашни келтириб чиқараётган бўлса. Бундай вазиятда томошабин бўлиш, қалби сўқирлик, миллат тақдирига бепарволик эса худбинликдан бошқа нарса эмас. Хўш,

бугунги ёшлар буни тушунишяптимикиан? Агар тушунарли бўлса, қандай эзгу ишлар билан жавоб бермоқчи? Бу масалани ҳам ўйлаш вақти ҳам келди. Афсуски, ҳали баъзида ёшларимизнинг ўз фикри, ўз мақсадлари, орзу истаклари йўлидаги интилишларида азму шижоат заифдек кўринади. Мамлакатимиздаги яратилган шарт-шароит, уларга берилган эътибор ва ғамхўрлик гўёки бир имтиёз, рағбат эмас, балки ўз иқтидорларини, интеллектуал салоҳиятларини рўёбга чиқаришда ги беқиёс восита ва омиллар катта имконият эканини тўлиқ тушуниб етмайдиган ёшларнинг борлиги ҳам кишини ташвишга солади. Энди, ёшларимиз кўпроқ кимга суяниб яшашни, кимдан ҳимоя кутишни, кимнингдир хайрини ёки қаерга бекинишни ўйлаб эмас, ўз кучига, билимига, ақл заковатига, қобилиятига таянишни, лаҳзама-лаҳза ўз руҳий-маънавий оламини юксалтиришга, мустақил фикр юритиб, оқ-қорани танишни ўрганиши зарур. Чунки, ватанимизнинг келажаги ана шу ёшларнинг шижоати ва ғайратига ҳар жиҳатдан боғлиқ. Ушбу ҳақиқатни юрагидан ҳис қиладиган эртанги ҳаётини ўйлайдиган ҳар бир йигит, қиз жамият олдида, халқ олдида ўз масъуллигини сезиб камолотга интилиши лозим.

Баркамол авлодни тарбиялаш ва турли тажовузлардан ҳимоя қилишда нафақат халқимизнинг буюк хусусиятлари тўғрисида гапириш балки, эски тузумдан қолиб бугун ривожланишга таъсир кўрсатаётган номаъқул одатлар хусусида ҳам очиқ сўз юритиш лозим. Айниқса, худбинлик, лоқайдлик, қариндош-уруғчилик ва маҳаллийчилик, коррупция ва манфаатпарастлик, бошқаларни менсимаслик, буйруқбозлик каби иллатлардан жамиятни халос этиш тўғрисида ўйлаш вақти етди. Бу масалани ечишда кенг жамоатчилигимиз, зиёлиларимиз, олим ва адибларимиз, санъат ва маданият аҳли, ўзини маънавият соҳасига бағишлаган барча инсонлар масъул эканликларини англашлари муҳимдир.

Шу маънода биз маънавиятимизни асраб кимгадир кўрсатиш ёки таърифлаш учун эмас балки, аввало ўзимиз уни англашимиз учун ташвишланишимиз керак. Бугун ҳаёт ҳақиқатларини кўтара олмайдиган

кишилар ёлғонга ўралиб яшайверадилар. Улар ўзларининг алдов ва ёғонларига ўзлари ишонадилар. Аммо қизиғи шундаки, илк бор ёлғон сўзлаган кимсанинг кимлигини ҳеч ким билмайди. Аммо ёлғончилик инсонга хос нарса эканлигини, у барча даврларда ҳам башар ҳаётида ўрин эгаллаб келганини ҳамма билади. Бугун оддий одамдан тортиб олиму-шоиргача биров кўп, биров кам, баъзида кўрқиб ёки кўркмасдан ёлғон ишлатади. Шу боис баъзилар учун “ёлғон” яшаш усулидир. Аммо шунини унутмаслик керакки, ёлғон инсон ва ҳақиқат ўртасидаги тўсиқдир. Ундан қутулмаслик ўз-ўзига душманлик бўлиб, инсон қалбини меҳр-муҳаббатдан, иштиёқ ва шижоатдан, беозорлик ҳам садоқатдан мосиво этади. Бундай кишилар юрагидаги сохта иддаолар, майда ғаразли туйғулар ва ҳасад табиий аҳволга номувофиқ доноликни, илдизсиз шижоатбозликларни келтириб чиқариши эҳтимолдан холи эмас. Бу эса жамиятда гуруҳбозлик, тадбирбозлик, маддоҳлик ва шиорбозликларнинг авж олишига сабаб бўлади. Президентимизнинг, “ҳасад қилиб эмас, ҳавас қилиб яшашни ҳётимиз қоидасига айлантурсак, ҳеч шубҳасиз, биз миллий тараққиёт бобида янада юксак марраларни эгаллашга эриша оламиз” деган фикри айна ҳаётини ҳақиқат мезони бўлиб, аждодларимиз риоя қилиб келган бебаҳо инсоний фазилатни яна бир бор бизга эслатади. Миллатнинг ўзига хос ҳеч бир халқда учрамайдиган хусусият ва фазилатларидан завқлантиради. Уларни улуғлайди ва кишини тараққиётимизга тўсиқ бўлаётган ғовларга қарши курашда фаол бўлишга чақиради. Глобаллашув даврида осуда ва фаравон ҳаётимизга ёмон кўз билан қараётган ҳасадчиларнинг борлигини бир дақиқа ҳам унутмаслигимиз зарур эканлигини уқтиради. Китобда, агар биз аҳил бўлсак, эл-юрт манфаати йўлида бир тану бир жон бўлиб яшасак, ўзимиздан сотқин чиқмаса, ўзбек халқини ҳеч ким ҳеч қачон енга олмайди, деб бежиз айтилмаган, бу айна ҳақиқат.

Юксак маънавият-енгилмас куч асарида илк бора “Миллий ғоя” тушунчасига тўлақонли таъриф берилганлигига эътибор қаратиш зарур. Бу атаманинг ишлатилиши миллий истиқлол ғояси эндиликда мустақилликнинг таъминланиши ва мустаҳкамланиши асносида жиддий трансформация

бўлганлигини англатади. Шу маънода миллий ғояга оид яратилган барча дарсликлар, ўқув кўлланмалари марказига мазкур китобда кўтарилган хулоса ва коидаларни кўйиш, улар шу методологик кўрсатмалар асосида тўла модернизация қилиниши зарур деб ҳисоблаймиз.

Китобдаги кўплаб фалсафий, методологик категорияларга реал тус берилган, яъни бугунги жўшқин воқеликка яқинлаштирилган. Хусусан, “инкорни инкор” – бу инқилобий чора эмас, балки мустақиллик арафасида ва унинг дастлабки даврида тадрижий ва босқичма-босқичлик тамойилини англатганлиги таъкидланган.

Асарда яна бир бор тажрибамизда синалган тадрижий ривожланиш концепцияси ўз тасдиғини топган. Президентимиз ишлаб чиққан ва амалга ошираётган мазкур сиёсат – бу халқимизнинг қон-қонига сингиб кетган яшаш ва тафаккур тарзи, тамойиллар, ёндашувлар, қолаверса унинг маънавиятига мос сиёсатлиги туфайли ҳам қадрлидир.

Шу билан бирга вазифалар аниқ белгилаб берилган. Аввало ёт ғояларга қарши шунчаки эмас, балки “юксак маҳорат билан яратилган асарлар орқали” “бутун жаҳон майдонида юз бераётган кескин ақл-заковат ва истеъдод мусобақасида беллашувга” тайёр бўлишимиз кераклиги уқтирилади. ОАВ да “танқид руҳини ”кучайтириш, ахборот-коммуникация технологиялари, Интернет имкониятларидан кенг фойдаланиш “матбуот, ахборот ва медиа тармоқлари, жумладан телевидение ва радиода ишловчи ОАВ ходимлари фаолияти мезони бўлиши кераклиги”, уларнинг касб маҳорати, ҳаётий принциплари ва виждон амри билан фаолият олиб боришлари зарурлиги кўрсатилади.

Мазкур китобда ижтимоий фанлар тарихида илк бор маънавиятнинг тарихий тараққиёт билан боғлиқ қуйидаги умумий қонунияти асослаб берилган: яъни жамият ҳаётининг ҳар бир даври ёки ривожланиш босқичига муайян маънавият тамойиллари ва маънавий қадриятлар тизими мос келади. Агар давр ўзгарса, жамият ўзгача тараққиёт босқичига ўтса маънавий мезонлар ва қадриятлар тизими ҳам ўзгаради, аста-секин янги замонга мос

янгича тизим ҳосил бўлади. Инсоният ва миллат, давлат ва жамият бор экан ушбу жараён тўхтовсиз давом этаверади. Ушбу қонуниятнинг амалиёти инкор ва ворисийликдан иборат тадрижийлик ва узлуксизликнинг ўзига хос хусусиятларини мутгасил намоён қилиб бораверади. Асарда бу қонуният инсоният тарихи ва мустақил мамлакатимизнинг истиқлол йилларида маънавият соҳасида қўлга киритган ютуқларига доир мисоллар асосида ёрқин ифодалаб берилган. Ҳозиргача ушбу йўналишда чоп этилган бошқа китобларнинг бирортасида ушбу қонуният, унинг умумбашарий, минтақавий ва миллий жиҳатлари ҳамда бугунги кундаги амалиётда намоён бўлиш хусусиятлари тўғрисида фикр юритилмагани эса биз тавсифлаётган асарнинг илмий-назарий аҳамиятини янада оширади. Шу маънода, мазкур китоб барча ижтимоий фанлар учун умумметодологик манба, маънавиятшунослик йўналишидаги мутахассислар ва тадқиқотчилар учун асосий қўлланмадир.

Бугунги кунда маънавият асослари мамлакатимиздаги ижтимоий фанлар тизимининг таркибий қисмига айланди. Буни ҳозирги кунда олий ўқув юртларида “Маънавият асослари” кафедраларининг мавжудлиги, ушбу фаннинг мактаблар, коллеж ва лицейлар ҳамда олий ўқув юртларида ўқитилаётгани, шу йўналишда бакалаврлар ва магистрлар тайёрланаётгани яққол тасдиқлайди. Юртбошимизнинг бевосита эътибори туфайли мазкур фан учун ўзак бўлган “Маънавият” атамаси ўзининг ҳақиқий мазмун-моҳиятига эга бўлди, нафақат бизнинг мамлакатимиз ва тилимизда, балки бошқа мамлакатлар ва тилларда ҳам ўз ўрнини топа бошлади. Масалан, инглиз тилидаги луғатларда ушбу тушунчанинг лотин алифбосида “Manaviyat” тарзида қабул қилингани бежиз эмас. Бу унинг умуминсоний тушунчалардан бирига айланаётгани, жаҳон халқлари тилига таржимасиз ўтиб бораётгани, тилимиздаги умумбашарий сўзларнинг бутун дунёда тан олинаётганини яна бир бор кўрсатади.

Юртбошимиз китоби мисолида айтиш мумкинки, бу соҳадаги тушунчалар, тамойиллар ва атамаларнинг талқини янада юксак даражага кўтарилган, улар назарий ва амалий жиҳатдан ниҳоятда чуқур ва мухтасар

тарзда таърифлаб берилган. Шу жиҳатдан қараганда, бу борадаги асосий вазифаларимиздан бири асардаги тушунча ва тамойилларни шархлашда уларнинг мазмун-моҳиятини бузмасдан, китобнинг руҳига мос тарзда тадқиқотлар олиб бориш, илмий асарлар ва ўқув адабиётларини ҳам мазкур қўлланма асосида яратишдан иборатдир. Бунинг учун, аввало, ҳар биримиз китобни чуқур ўрганишимиз, унинг мазмун-моҳиятини қалбимиз ва онгимизга қуйиб олишимиз, ундаги кўрсатмаларга тўла-тўқис амал қилишимиз даркор. Бу борада китобнинг руҳи ва йўналишига мос бўлмаган турлича оғишлар ва ёндашувларга асло йўл қўйиб бўлмайди. Акс ҳолда масалаларнинг моҳияти сийқалашади, уларнинг мазмуни саёзлашиб, бу борадаги вазифаларни бажариш ва кутилган мақсадларга эришиш қийинлашиб бораверади. Бу эса аҳолининг барча қатламлари онгига китобдан ўрин олган ғоя ва хулосаларни сингдириш, шу соҳадаги тарғибот ва ташвиқот ишлари самарасини янада ошириш ошириш учун ундан методологик асос сифатида фойдаланиш лозимлигини англатади. Китобда бу борадаги долзарб вазифалар ҳам белгилаб берилган. Маънавият билан боғлиқ жараёнларнинг илмий-назарий асосларини мукамал очиб бериш, ўқувчиларимиз, талабаларимиз ва кенг жамоатчиликка содда ва лўнда қилиб тушунтириб бориш, тараққиётимизнинг ҳар бир йўналиши – жамиятимиздаги сиёсий, ижтимоий-иқтисодий, маънавий муносабатларнинг ривожига ҳақида махсус адабиётлар яратиш тизимини янада такомиллаштириш қабилар ана шундай долзарб вазифаларимиз қаторига киради.

Ушбу йўналишда айниқса, бугунги мураккаб мафкуравий жараёнларни илмий-амалий жиҳатдан атрофлича таҳлил қилиш ва баҳолаш, уларнинг устивор йўналишларини, кимга ва нимага қарши қаратилганини аниқлаш, аҳоли турли қатламларига таъсирини ўрганиш, миллий манфаатларимизга, ҳаёт тарзимизга зид бўлган зарарли ғоялар ва мафкуравий хуружларнинг моҳиятини очиб бериш, фуқароларимиз қалбида миллий тафаккур ва соғлом дунёқараш асосларини мустаҳкамлаш алоҳида аҳамият касб этади. Китоб бу соҳада ҳам мустақиллик йилларида мамлакатимизда амалга оширилган

ишларни янги босқичга кўтриш учун илмий-назарий манба бўлиши шубҳасиз. Шундай экан мазкур асар асосида аҳолининг барча қатламлари учун мўлжалланган, ушбу китобнинг маъно-мазмунини фуқароларимиз, айниқса ўсиб келаётган ёш авлод қалби ва онгига сингдиришга қаратилган кенг қамровли махсус дастурни шакллантириш бу соҳадаги ишларни режали амалга ошириш имконини яратади.

Бугун дунёнинг мафкуравий манзарси ҳар қачонгидан кўримсиз ва даҳшатлироқ. XXI асрда инсоният қалби ва онги хавф остида қолмоқда. Чунки, яширин манфаатлар, ниқобланган мақсадлар, кўзга илинмас иллатлар, пинҳон душманлар, ёв, ғаним, таҳдид, хуруж, хавф-хатар тушунчаларининг маъноси, мазмун ва моҳияти чигаллашди. Натижада оқ-қорани танимайдиган, гуноҳни савоб деб, ёлғонни рост деб, ялтираган нарсани олтин деб, маҳдудликни эркинлик деб ўйлаб адашганлар ҳам пайдо бўлди. Шу маънода мазкур китоб турли тушунмовчилик ва чигал муаммоларни ҳал қилишда, англамаган фикр, алданган туйғулар, унутилган ўзликни англашда ҳаққоний ёрдам беради. Зеро, “ушбу китоб инсоннинг юксалишида маънавият оламининг қандай таъсир ва аҳамиятга эга экани, шунингдек, маънавиятга қарши қаратилган хуружларнинг реал хавфи ҳақида атрофлича фикр юритиш, халқимиз янги ҳаёт, янги жамият асосларини қураётган ҳозирги мураккаб ва таҳликали замонда одамларни бундай хатарлардан огоҳ этиш, эл-юртимиз, кенг жамоатчилик эътиборини бу масалаларга яна бир бор қаратиш, келажак авлодимизни маънавий соғлом ва баркамол этиб тарбиялаш билан боғлиқ вазифаларни аниқ белгилаб олиш борасидаги ҳаётий эҳтиёж маҳсули сифатида дунёга келди,” деган фикрлари мағзида айни шу ҳақиқат ётади. Миллат қисмати, халқнинг тақдири, эртанги куни бизнинг нақадар кучли руҳий-маънавий қувватимизнинг бирлигига, аҳиллигимизга кўпроқ боғлиқ. Асарни синчиклаб ўқиган ҳар бир кишида ажодлар меросига муҳаббат, маънавий жасорат эгаларига эргашиш иштиёқи пайдо бўлишига шубҳа йўқ. Шу билан бирга мафкуравий тажовузларга

нафрат ва уларга қарши курашда ўзида енгилмас куч шиддати намоён бўлиши аниқ.

Асарда алоҳида таъкидлангани каби, “...маънавият қотиб қолган ақидалар йиғиндиси эмас, аксинча, доимий ҳаракатдаги узлуксиз жараён бўлиб, тараққиёт давом этар экан, унинг шиддатли юриши туфайли маънавий ҳаёт олдиға қўйиладиган талаблар ҳам муттасил пайдо бўлаверади”. Бу эса барчамизнинг зиммамизга катта масабулият юкланаётганидан, бутун куч-қувватимизни ана шу вазифаларни бажаришга сарфлашимиз лозимлигидан далолат беради.

Зеро, миллий мафкурамиз ва миллий маънавиятимиз ана шу аҳилликни таъминлашдек улуғвор йўлга йўналтирилган. Агар миллий ғоямизни унинг мазмун моҳиятини халқимиз онги ва қалбига сингдира олсак олийжаноб мақсадларимизга эришишимиз тезлашади.

Хулоса қилсак, ижтимоий-маданий ҳаётда кўзга ташланаётган юқорида саналган муаммолар ундан юз ўгиришга асос бўла олмайди, аксинча, Ватан тақдирини ўйлаган ҳар бир ўзбекистонлик унинг миллий манфаатлари учун курашишга астойдил киришмоғи шарт. Оммавий маданият таҳдиди бугунги замон воқеликка очик кўз билан, реал ва ҳушёр қарашни жаҳонда ва ён-атрофимизда мавжуд бўлган тобора кучайиб бораётган маънавий таҳдид ва хатарларни тўғри баҳолаб улардан тегишли хулоса ва сабоқлар чиқариб яшашни талаб этади. Шу боис юртдошларимиз айниқса ёш авлод онгида мураккаб ва таҳликали ҳаёт ҳақида унинг шафқатсиз ўйинлари тўғрисида бир ёқлама ва сохта тасаввур бўлмаслиги керак. Огоҳлик ва ҳушёрлик мафкуравий ва маънавий етуклик давримизнинг қатъий талаби эканини унутмаслик керак.

ХУЛОСА

Битирув малакавий иши натижалари ва илмий таҳлиллар асосида куйидаги хулосаларга келинди:

1. Жамиятимиз ўзига хос хусусиятлари ва унга боғлиқ тушунчалар юқори даражада ўрганилган. Шунингдек, оммавий маданият, унинг тарихи ва бугуни, ютуқлари ва камчиликлари турли кўринишда тадқиқ этилган. Аммо, оммавий маданиятнинг жамиятимизга, хусусан, халқимиз ҳаётининг қайси соҳаларига кўпроқ таъсири алоҳида ҳолатда ўрганилмаган. Шундан келиб чиқиб, замонавий Ғарб цивилизация эришган ютуқлар билан бир қаторда Ғарб турмуш тарзида ғурур-ор, эркаклик шаъни, аёллик иффиати деган нозик тушунчалар емирила бошлаётганлиги, бундай ҳолатлар “эркин ҳаёт тарзи” сифатида ОАВ томонидан тарғиб қилинаётганлиги оқибатида халқимиз орасида ушбу турмуш тарзидан таъсирланиш ҳолатлари учраётганлиги, бу эса инсон ҳаёти, оила муқаддаслиги ва ёшлар тарбиясига катта хавф солаётганлиги бу мавзунини ўрганиш қанчалар муҳим эканлигини билдиради.

2. Ижтимоий фанлар тизимида “маданият” тушунчаси “оммавий маданият” тушунчаси билан бир қаторда истефода этиб келинади. У ўз ичига кийиниш хусусиятлари, оилавий ҳаёт ва никоҳ маросимлари, меҳнат фаолияти ва диний русумлар, бўш вақтни қандай ўтказиш кабиларни қамраб олади. Унга яна одамлар томонидан яратилган ва муайян қадрият ҳисобланадиган уй-рўзғор буюмлари, меҳнат қуроллари ҳамда замонавий техник-маиший ускуналарни киритиш мумкин.

3. Бугунги глобаллашув шароити инсоннинг иқтисодий, сиёсий ҳаёти билан бир қаторда унинг маънавий турмуш тарзига ҳам таъсир ўтказиб қолмаяпти.

Маънавий ва хусусий даражада глобаллашув инсонни қуруқ истеъмолчига айлантирди: бахт моддий фаровонлик билан белгиланади. Яшашдан мақсад максимал даражада ҳаётдан лаззатланишдангина иборат бўлади. Бу ерда рухий-маънавий қадриятларга, эзгулик, савоб, бировга

бегараз ёрдам кўрсатиш каби олий тушунчаларга ўрин йўқ. Инсонлар муносабатлари фойда ва зарар қонунлари асосида ишлайди. Хизмат кўрсатиш тизими кенг ривожланиб, кўнгилхушликнинг кўз кўриб, қулоқ эшитмаган турлари юзага келади. Айниқса, аёлнинг инсон сифатида кадр-киммати жуда тушиб кетади. ОАВда кўз-кўз қилинадиган гўзал хонимларга инсон сифатида эмас, балки маҳсулот сифатида қарашади.

4. Ғарб маданиятини цивилизациялар чўққисига чиқишида черков фаолиятини ҳаётнинг барча соҳаларидаги ҳукмронлигига чек қўйиш ва бунинг асосида рационал фикрлаш тарзи шаклланиши муҳим ўрин тутган бўлса, ғарб кишисини диний ҳаётдан бутунлай узоқлашиши бу маданиятни маънавий ахлоқсизлик жарига шўнғишига сабаб бўлиб хизмат қилди. Бу борада Ғарб маданияти уч босқичга бўлинган.

Биринчиси, Уйғониш даври. Бу даврда инсоннинг моҳиятини ўзига хос тарзда талқин этиб, унинг яратган ва борлиққа муносабати тубдан ўзгаришига асос бўлган янги гуманистик идеал яратилади. Айнан шу даврда янгича дунёқарашнинг бош тамойили - теоцентризмдан антропоцентризм сари бориш ҳаракати, тенденцияси яққол намоён бўла бошлайди. Бу - насроний дин қадриятлари асосида шаклланган Ғарб маънавиятига берилган дастлабки қақшатқич зарба эди.

Иккинчиси, Ислоҳатчилик даври. Бу даврда инсоннинг эътиқоди, яратганга муносабати унинг ўзигагина тегишли шахсий масалага айланади ва айнан шунинг негизида индивидуализм асослари шаклланиб, ғарб кишисининг фаоллиги ва эркинлиги учун кенг имкониятлар яратилади. Эндиликда кўплаб одамлар ҳаётнинг маъно-мазмунини эътиқод билангина боғламайди, улар бошқа ҳаётий мақсад, эҳтиёж ва манфаатлар ҳам бўлиши мумкинлигини англаб етади. Бу эса ғарб кишисида ҳаётдан мақсад – руҳий юксаклик эмас, моддий фаровонликдан лаззатланиш, ақидасини шаклланишига олиб келди.

Учинчиси, “Маърифатпарварлик” даври. Бу даврда яшаб ижод қилган айрим мутафаккирлар диний эътиқоддан маҳрум бўлган, фақат даҳрий

кишилардан ташкил топган жамиятлар барпо этиш мумкинлиги тўғрисидаги қарашларни илгари суради. Масалан, Маърифатпарварлик даврининг ғоявий асосчиларидан бири П.Бейл фикрича, инсонни эътиқод эмас, илмгина юксалтириши мумкин. Мана шундай фикрлар билан кишиларнинг онги йўғрилган даврда инсониятнинг маънавий ҳаётига қаттиқ таъсир қилган ҳаракатлар, айниқса, коммунизм ва фашизм мафкураси юзага келди. Бу эса инсониятнинг, хусусан, шундоқ ҳам юқоридаги икки давр натижасида диний – ахлоқий турмуш тарзидан бир мунча узоқлашган ғарб кишисининг руҳий-маънавий ҳаётида бўшлиқни вужудга келтирди.

Шундай қилиб, Ғарб жамиятида черков ҳукмронлиги сустрлашган даврдан ҳозирги вақтгача табиий ва гуманитар фанлар соҳасида эришилган улкан ютуқлар диннинг мавқеи пасайиши, эътиқоднинг сусайишига жиддий таъсир қилганини инкор этмаган ҳолда, диний қадриятлар емирилишининг асл илдизлари барча тамаддунлар, айниқса, ғарб давлатлари ва халқлари тарихида ғоят муҳим ўрин тутган, юқорида зикр этилган уч инқилобий даврдан изланса, мақсадга мувофиқ бўлар эди.

5. Бугунги кунда оммавий маданиятининг салбий жиҳатларини азалдан халқимизнинг маънавий камолотини таъминлашга хизмат қилиб келган воситалар – санъат, адабиёт ва кийиниш маданиятида кўриш мумкин. Мисол учун, одобни энг кўп тарғиб қилувчи ҳисобланган адабиётларда ҳозирги кунда ахлоқсизлик элементларини учраши халқимизга хос бўлган шарм-хаё, ибод, номус, иффат, садоқат ва вафо каби муқаддас тушунчаларга дарз етказмоқда.

Битирув малакавий ишда юқоридаги фикрларини умумлаштирган ҳолда қуйидаги хулосаларга келинди:

- * Оммавий маданиятнинг жамиятимизга таъсир турлича намоён бўлмоқда;
- * Оммавий маданиятнинг таъсирини кишиларнинг кийиниш тарзида яққол кўриш мумкин;

- * Шунингдек, бу таъсирнинг жамиятимиз аъзолари нишонлайдиган турли урф-одатлар (тўй маросимлари, мавжуд байрамларни нишонлаш ва бошқалар) да учратиш мумкин;

Оммавий маданиятнинг жамиятимизга таъсири сезиларли даражада эканлиги ҳақида ўйлаганимизда, табиийки, ҳар биримиз ташвишга тушамиз. Шунда, ёшлар таълим-тарбияси борасидаги ишларимизнинг самарадорлиги қанчалар муҳим аҳамиятга эга эканлигини тушуниб етамиз. Шу билан бирга шукр қиламизки, халқимиз орасида соғлом эътиқодли, юксак ахлоқли кишилар хануз кўпчиликни ташкил қилиб келмоқда.

Ҳақиқатдан ҳам юксак ахлоқ, аввало, ҳар бир инсоннинг одобини, халқнинг орзу-умидлари, ният-интилишларини намоян қилади. Шунинг учун эзгуликни кадрлаб, рағбатлантириб, маънавий-ахлоқий қадриятларимизнинг асраб, ривожлантириб, адашганларнинг тўғри йўлга солиб мустақиллигимизни янада мустаҳкамлаб бориш барчамизнинг асосий вазифамиздир.

Юқоридаги битирув малакавий ишининг назарий хулосаларини умумлаштирган ҳолда қуйидаги тавсияларни ҳавола қиламиз:

1. Тинимсиз ахборот оқими вужудга келтираётган глобал муҳитда миллий қадриятлар, ўзига хосликни ифодаловчи анъаналар завола топишини олдини олиш мақсадида ахборот хавфсизлигини жорий қилиш;
2. Бунда, интернет тармоғи ҳамда сунъий йўлдош каналлари орқали намойиш этилаётган, юртдошларимизнинг дунёқарашини ўсишига хизмат қиладиган дастурларни бериб бориш билан бирга кишиларда жаҳон ахборот тармоғидан нимани олиш мумкин, нимани олиш мумкин эмас, деган характернинг шаклланишини таъминлаш;
3. Телевидение, радио ва турли кўнгилочар тадбирларда кишиларнинг миллий ва диний қадриятларимизга тўғри келмайдиган либосларда чиқишларини олдини олиш;

4. Матбуот ва бадиий асарларда ёшларимизни енгил-елпи ҳаёт кечиришга ва саёз дунёқарашга эга қилиб қўядиган қисса ва ҳикоялар чоп этилишига қарши бир неча зиёлилар гуруҳини жалб этиш.

Хулоса сифатида шуни айтиш жоизки, оммавий маданиятдан бизнинг миллий хусусиятларимизга зид келмайдиган, умуминсоний сифатларга эга бўлган илғор тажрибаларни танқидий таҳлил асосида олсакгина, Шарқ ва Ғарб уйғунлигини рационал асосга қуришга муваффақ бўламиз.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

- 1.1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси.- Тошкент: Ўзбекистон, 2003.
- 1.2. Каримов И. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Тошкент: Маънавият, 2008. – 173 б.
- 1.3. Каримов И. Биз келажагимизни ўз кўлимиз билан курашимиз.- Тошкент:Ўзбекистон, 1999. – 290 б.
- 1.4. Каримов И. “Баркамол авлод йили” давлат дастурини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш бўйича ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида // Халқ сўзи. - 2009. - № 139.
- 1.5.Аширов А. Ўзбек халқининг қадимий эътиқод ва маросимлари. – Тошкент: Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси, 2007. – 387 б.
- 1.6. Давлатова С. Т. Ўзбек миллий кийимлари: анъана ва замонавийлик. – Тошкент:Янги аср авлоди, 2006. – 213 б.
- 1.7. Исмоилов Ҳ. Анъанавий ўзбек кийимлари.-Тошкент:Фан. 1979. – 296 б.
- 1.8. Жабборов И. Ўзбеклар: турмуш тарзи ва маданияти. - Тошкент:Ўқитувчи, 2003. – 356 б.
- 1.9. “Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар”.-Тошкент: Ўзбекистон, 2000. – 287 б.
- 1.10. Примова Ф. Оилавий муносабатларда миллий ва диний қадриятларни тутган ўрни. - Тошкент:Маънавият, 1999. – 367 б.
- 1.11. Қозоқбоев Т. Ўзбек оиласининг турмуш маданияти. - Тошкент:Фан, 1968. – 360 б.
- 1.12. Қозоқбоев Т. Турмуш маданияти. - Тошкент:Фан, 1968. – 280 б.
- 1.13. Саифназарова Ф. Ўзбек оиласи: ижтимоий ва маънавий қадриятлар. - Тошкент:Янги авлод, 2007. – 190 б.
- 1.14. Сулаймонова Ф. Ғарб ва Шарқ.- Тошкент:Ўзбекистон, 1997. – 400 б.
- 1.15. Тимоти Ж. Уинтер. XXI асрда Ислом. –Тошкент:Шарқ, 2005. – 365 б.
- 1.16. Тоҳир Малик. Одамийлик мулки. –Тошкент:Шарқ, 2008. – 606 б.
- 1.17. Энтони Гидденс. Социология. –Тошкент: Шарқ, 2002. – 847 б.

- 1.18. Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси. 3,8-жилд. –Тошкент:ЎЗМЭ, 2006. – 850 б.
- 1.19. Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф. Тафсири Ҳилол. 5-жузъ.- Тошкент:Шарқ, 2008. – 660 б.
- 1.20. Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф. Шояд такводор бўлсак. - Тошкент:Чўлпон, 1992. – 170 б.
- 1.21. Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф. Ҳадис ва Ҳаёт: никоҳ, идда ва талок. – Тошкент:Шарқ, 2008. – 430 б.
- 1.22. Шайх Абдулазиз Мансур. Қуръони Карим маънолари таржимаси ва тафсири. – Тошкент:Тошкент Ислом Университети, 2007. – 740 б.
- 1.23. Шоумаров Ғ.Б. Оила психологияси. – Тошкент: Шарқ, 2000. – 380 б.
- 1.24. Юнусов А. Фарзанд тарбияси, ахлоқ ва оила муносабатлари. – Тошкент:Янги авлод, 2002. – 57 б.
- 1.25. Ғайбуллаев Н., Ёдгоров Р., Маматқулов Р. Педагогика. –Тошкент: Ўзбекистон Миллий Университети, 2005. – 324 б.

III. Мақолалар:

- 2.1Баҳодир Зокир. Ғарб инқирози // Тафаккур журнали.– Тошкент. – 2007. - № 2. – 32 б.
- 2.2. Фаҳриддин Низом. Манфаат ва холислик // Тафаккур журнали. – Тошкент. 2009. - № 3. – 32 б.
- 2.3.Мамадиев Б. “Оммавий маданият” – маънавият кушандаси // Маърифат. – Тошкент. 2008. - № 4. – 16 б.
- 2.4.Мамадиев Б. Глобаллашув – у инсонни таназзулга бошлайдими? // Маърифат. – Тошкент. 2008. - № 32. - 16 б.
- 2.5. Мамадиев Б. Ҳиндистон ёшлари: кеча ва бугун // Маърифат. –Тошкент.2008. - № 20. – 16 б.